Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 20 (4575) // 2020-yil 12-iyun

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги

ХАЛҚ СЕВГАН АДИБ

Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг “Уфқ” китоби бошқа анчагина романлар орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

...“Уфқ” кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир.

Абдулла ҚАҲҲОР

* * *

Саид Аҳмад характерининг кишини ўзига мафтун қиладиган энг улкан фазилати – бу кулги. Саид Аҳмад бўлган даврада ҳамиша қаҳқаҳа, ҳамиша аския. Мен машҳур адибимизнинг “Уфқ” романини ўқиганимда ҳатто бир оз ҳайрон бўлганман. Чунки адабиётимиздан муҳим ўрин олган бу катта асар ёзувчи характерига батамом зид, яъни ўта жиддий, ҳатто фожеий (мен биринчи китобини назарда тутяпман) роман эди.

Мен бу асарнинг яратилиш тарихини яхши биламан ва бундан ифтихор қиламан. Мен “Уфқ”ни қўлёзма пайтидаёқ биринчилардан бўлиб ўқиганман ва, эҳтимол, ёзувчимизни чин юракдан қутлаган биринчи китобхондирман.

Одил ЁҚУБОВ

* * *

Саид Аҳмаднинг ижоди ўзбек адабиётининг ХХ аср иккинчи ярмида босиб ўтган анча машаққатли, анча мураккаб йўлини ўзида акс эттиради. Унинг сиймосида, тақдирида адабиётимизнинг ярим асрлик тарихи тажассум топган десак хато бўлмайди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

4

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЁРУҒ ХИЁБОНДАГИ ЎЙЛАР

“...Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб турган вужудимизга, танимизга сув-ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар...”



Адабиётимизнинг улуғ вакили, чарақлаган порлоқ юлдузи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон қаламига мансуб, ҳаётбахш шиорга, дастурга айланган “Адабиёт надир?” мақоласидан олинган юқоридаги сўзлар илк бор жаранглаганига бир юз олти йил тўлди. Ҳа, бир юз олти йил! Эндигина ўн етти ёшга тўлган (ўсмир!) ёш шоир ва адиб Чўлпоннинг машҳур мақоласи “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 4 июнь сонида эълон қилинган эди. Чўлпон адабиёт майдонига кириб келар экан, аввало, адабиётнинг “надир”лигини, унинг асл моясини англашга интилди, мақсадни аниқ қилиб олди, унга қандай вазифалар юкланажагини идрок эта олди. Ўн етти ёшда! Асл ижодкорнинг маслаги шу. Шуниси ҳайратланарлики, ёш Чўлпонни ҳаяжонга солган муаммолар, яна ҳам катта кўлам касб этиб, ҳамон олдимизда кўндаланг турибди...

Адиблар хиёбонини сайр қиларканман, Абдулҳамид Чўлпон ҳайкали олдига келиб, адиб сиймосига тикилганча хийла туриб қолдим, юқоридаги сўзлар беихтиёр хаёлимдан кечди...

Кўз олдимда ажойиб сўлим боғ ўз кўркини намойиш этарди. Бор-йўғи уч йил олдин шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида шундай боғ, гўзал хиёбон, ҳайкаллар бўстони, Ёзувчилар уюшмасининг салобатли кошонаси – кўркам бир ансамбль ташкил қилиш мумкинлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди!

Эсимда, 2017 йил январь ойи, қор чиройли бўлиб гупиллаб ёғиб турарди. Бир гуруҳ адиблар ясама айвонда йиғилдик. Давлатимиз раҳбари ҳозир Ёзувчилар уюшмаси жойлашган яйдоқ ерни кўрсатиб: “Шу ерда Уюшма биноси қад кўтаради! У Уюшманинг хос иморати бўлади! ” деди. Ҳамма хурсанд бўлиб кетди! Чиндан ҳам, кейинги йил январь ойида Уюшма янги бинода иш бошлади.

Адиблар хиёбони – шунчаки хиёбон эмас, бу бамисли улкан китоб. Уни варақласангиз, бирданига адабиётимизнинг минг йиллик тарихини оралаб чиққан бўласиз. Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бердақ, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор... Ижодкорларимиз кўп. Ҳар бир адибнинг ижод чамани – китобнинг бир саҳифасини безайди. Улар гарчи турли даврларда яшашган бўлса ҳам, бу ерда барчаси йиғилиб келишиб дийдорлашишади, адабиётимиз келажагини ўйлаб машваратлар уюштиришади. Турмуш ташвишлари билан узоқ кўришолмай, бир-бирларини соғиниб қолишган эмасми, Тошкент оқшомлари, сокин кечаларида, хиёбонни яшнатиб чиройли дилкаш суҳбатларни бошлаб юборадилар...

2

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғидаги учрашувлар самимий суҳбатлар ва янги ғояларга бой бўлди. Кенгаяётган шаҳарлар, янги барпо қилинаётган замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорнинг ислоҳотчига айланиши, камбағалчиликка барҳам бериш ва таълим сифатини ошириш кабилар масалалар муҳокамаларининг асосий мавзусига айланди.

ФАРҒОНА: ИЛҲОМБАХШ ТАШРИФ

Давлат раҳбарининг ушбу ташрифи водийда кўп йиллар давомида тўпланиб қолган турли муаммоларнинг энг мақбул ечимини топиб, кишиларни яратувчиликка, бунёдкорликка илҳомлантириши кутилаётган эди.

– Шундай ҳам бўлди, – дейди риштонлик фермер Одилжон Акбаров. – Президентимизнинг Кўштепада буғдойзор оралаб бошокларни бирма-бир кўздан кечиргани мени тўлқинлантирди. Бизлар ҳам ҳар куни икки-уч марта пайкалларни оралаймиз, кўздан кечирамиз. Ердан иккиламчи, учламчи ҳосил олиш ҳақидаги гаплар кўпчиликнинг хаёлида юрган, лекин бир тартибга солинмаган ўйлар эди. Ташриф давомида бу борада аниқ йўл-йўриқлар кўрсатилгани амалий ишларимиз учун катта туртки, албатта. Деҳкончилик деганда кўпчилик томорқа эгалари фақат сабзавот ёки мева етиштиришни тушунади. Ҳақиқатан ҳам, беполён далаларда пахта ораларига нималар экса бўлади? Ўзбекистонимизда тўққиз ой мобайнида қуёш нур

МУНОСАБАТ

сочиб туради, демак, ерларимиздан бир неча марта ҳосил олса бўлади. Қолган уч ой давомида ҳам тинч ўтириш йўқ – мархамат, иссиқхоналарда исталган сабзавотни етиштиринг. Энг муҳими, саноат яратиш ишига ҳисса қўшиш, ғаллани ҳам, пахтани ҳам у етиштирилган жойда қайта ишлаб, даромадли тайёр маҳсулотга айлантиришдир. Мана шундай ислоҳотларга камарбаста бўлишимиз керак.

Муаммолар талайгина, аммо уларга ечим топиш керак. Худога шукр, кимдир шароит яратиб берса ишлайман, бўлмаса йўқ дейдиган халқ эмасмиз. Мисол учун, бир пайтлар ғўзапўчоқни сувга ийлаб, устидан тупроқ тортиб қўйсангиз, ўн-ўн беш кунда ўз-ўзидан қизиб, баҳоргача бир хилда иссиқлик чиқариб турарарди. Устини сувқоғоз билан ёпсангиз, иссиқхона тайёр. Буни мукобил энергия манбаи десангиз ҳам бўлади. Қаранг, бу биргина мисол. Дўппини олиб кўйиб, яна нималар қилишни ўйлашимиз лозим. Бунинг учун эса замонавий билимлар лозим. Томчилатиб суғориш дейсизми, сунъий соя ҳосил қилиш дейсизми... Бир фермер дўстимиз Кореяга бориб, ҳайрон бўлиб келди: кунжут билан қовоқ уруғини экспорт қилса бўлар экан, дейди. Биз бу экинларга кўп ҳам эътибор бермаймиз, каранг, мевасидан кўра уруғи қиммат экан. Тартибли, тизимли, режали янгиликларга барчамизнинг эҳтиёжимиз бор.

2

ТИЛ АДАБИЁТ БИЛАН БАРҲАЁТ

Одатда, ўзбек тилининг тақдири, нуфузи, бойлиги, муаммоларига доир фикр-мулоҳазаларни айтиш ва ёзиш ҳар йили октябрь оёқлаб қолганда эсга тушар эди. Кўпчилик тилимиз жонкуярига эврилар, мақолалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар жамланар ва оммага тақдим этиларди. Орадан ҳафта ўтмай, бу эътибор унутилар ва жонкуярлик ҳам бир йиллик таътилга кетарди... Бу ҳол сал кам ўттиз йил давом этди.

Бугун муҳит ва муносабат бутунлай ўзгарди. Ўзгариш — она тил нуфузини кўтариш, эъзоз ва эҳтиром давлат миқёсига чиқди. Беихтиёр Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган замонлар хаёлга келади.

* * *

Ўша пайтда биз талабалар кун сайин мозийга айланиб бораётган яқин тарихий муҳит иштирокчилари эдик. Ўша паллада талаба эдик. Айнан тарихий зарурат туфайли ўтган асрнинг 1989 йили тилимизга “Давлат тили” мақоми берилди. Бу мақом елиб-югуришлар, бирлашишлар, анжуманлар натижаси эди. Бу ўзликни англаш ва англатиш кайфияти талабалар шуурида янги бир тўлқинни пайдо қилди.

Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган навбатдаги анжуман “Тил байрами” деб аталди. Ўша пайтдаги Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси ва журналистика факультети талабалари нутқ сўзлашга ҳозирлик кўришди. Тўққиз қаватли баланд ётоқхоналар олдидаги майдонга ҳамма йиғилган, яшил рангли матоларга шиорлар битилган, нутқ сўзловчилар ҳам тайёр. Ўзбек филологияси факультетидан иккита фидойи талаба бор овози билан “Тил байрами”ни бошлаб юборди. Ҳамон эсимда, гапиргувчиларда бир оз хавотир ва ҳадик, саросима ва иккиланиш ҳам йўқ эмасди. Қарасак, даврада ўзига ярашган майин табассумли улуғ миллатпарвар шоир Рауф Парфи турибди. Кимдир беозоргина уни таклиф этди, секингина қўлидан тутиб, ҳурмат билан майдон ўртасига олиб келди.

Шоир дардини тўкди. Икки тилликка доир таклиф, ташвиқ ва иккиланишлар урчиётган муҳитда Она ва Тилнинг бирлигидан сўзлади. Нутқи охирида Чўлпоннинг тутқун ўзбек қизи тилидан айтилган, “Кулган бошқалардир, йиғлаган менман” мисралари билан бошланувчи дардли “Мен ва бошқалар” шеърини ўқиди. Олқишлар ёғилди.

Очиқ осмон остида ўтган талабаларнинг “Тил байрами”да нотиқлар Давлат тили мақоми, она тилимизнинг бойлиги, ўтмишдаги саодати ҳақида гапирди.

5

ЁРУҒ ХИЁБОНДАГИ ЎЙЛАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Яна бир боқсангиз, турли замонларда истиқомат қилган улуғ адиб ва шоирлар ҳаммасини жамулжам кўрасиз – уларга йил, аср, саналар аҳамиятсиз, улар худди вақт деган тушунчани билмайдиган мақондан, мангулик чаманидан – Олимпдан хиёбонга тушиб келганлар...

Яна бир қаралса, хиёбон – хиёбон эмас, кўп серияли фильмдай кўринади, лекин бошқа фильмлардан фарқи бор: хиёбонда барча сериялар бирданига намоён бўлади.

Хиёбон йўлаклари равон, ҳайкаллар бири бирини тўлдирган ҳолда мутаносиб манзара касб этган. Айвондаги йиғинда ҳайкалларни қандай жойлаштириш, Алишер Навоий ҳайкали билан қандай узвий боғланиш зарурлиги ҳақида жўяли фикрлар билдирилди. Маълумки, 1991 йилда қўйилган Алишер Навоий ҳайкали шимол томонга қараб турар эди. Бу мантиқан тўғри эмаслиги, Ҳазрат қадриятларимизга кўра аслида қиблага юз буришлари лозимлиги, адиблар ҳайкаллари эса барчаси улуғ пир Алишер Навоий – қиблагоҳга тикилиб туришлари шартлиги айтилди. Ростдан ҳам, бу муаммо ўзининг жуда яхши ечимини топди: Навоий ўз шогирдларига меҳр билан боқиб, жонкуяр устоздек ҳол сўраб турибдилар, шогирдлар эса ҳар бири ўз ижодидан ҳисоб бергандек, мададу маслаҳат сўрагандек ҳурмат билан устозга юз бурибдилар...

Ҳирот шаҳрининг хушманзара масканларидан бирида улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳиротликлар учун ниҳоятда азиз ва ардоқли бўлган чароғон ҳовлиси жойлашганди. У "Навоий хонадони" ҳамда "Унсия" боғи (дўстлар, улфатлар боғи) деб ҳам аталарди. "Унсия" хийлагина майдонга эга бўлиб, унда боғ, шоирнинг хос хонаси, ҳурматли меҳмонлар учун шинам бўлмалар, кутубхона, талабалар яшайдиган хоналар мавжуд. "Унсия" – Ҳиротдаги адабий ҳаётнинг марказига айланган, мушояраларда ҳамиша одам гавжум эди, десак муболаға бўлмайди. Ҳар кун туш маҳали шоир ҳисобидан толиби илмлар, мусофирлар, етим-есирлар, мискину бечоралар учун шулон (егулик, таом) тарқатиларди.

Бу ерга Соҳибқирон Султон Ҳусайн Бойқаро тез-тез қадам ранжида қиларди. Дўстининг ташрифи Навоий учун Аллоҳнинг инъоми эди. Икки шоир, икки қадрдон дўст адабиёт тақдири, шеърият масалалари, юртдаги вазият бўйича қизғин баҳсу мунозаралар олиб боришар, бир-бирларига янги ғазаллар ўқишарди. Подшо "Хазойин ул-маоний" куллиётини тузиш, унга муҳаррирлик қилиш, Султон Али Машҳадий каби етук хаттотлар томонидан кўчириш, Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралар билан безаш ишларини шахсан назорат қиларди.

Улуғ шоир Абдурахмон Жомий ҳам "Унсия"га тез-тез келиб турар, бу хонадон учун байрам бўлиб кетарди.

"Унсия"да айрим олим ва шоирлар, Навоийнинг дўстлари ҳам яшар эдилар. Навоий барчасига ҳомийлик қиларди. Чунончи, у тарихчи Мирхондга умумтарихга оид "Равзат ус-сафо" асарини ёзишни буюрди ва унга ҳомий бўлди, ўз кутубхонасини олим ихтиёрига бериб қўйди. Мирхонд асарининг олти жилдини ёзишга улгурди, еттинчисини унинг набираси тарихчи Хондамир ниҳоясига етказди.

"Адиблар хиёбони" билан "Унсия" – авлодлар ўртасидаги узилмас алоқаларнинг давомийлигини исботловчи бир ҳайкалдир. "Унсия" ўз вақтида Ҳиротда адабиётимизнинг маркази сифатида хизмат этган бўлса, "Адиблар хиёбони" бугун Тошкентда ана шу қутлуғ вазифани адо этмоқда. "Адиблар хиёбони" – бизнинг "Унсия"миз, у жуда гавжумлашиб бормоқда, талабалар, ўқувчилар, ёзувчилар, олимлар, ҳарбийлар, кексалар, ёшлар ҳайкалларни зиёрат қилишади, уюшмадаги йиғин ва мушояраларда қатнашишади.

Кечагина Миллий боғнинг бир четидаги қуп-қуруқ ер бугун довруғи достон бўлаётган "Адиблар хиёбони"га айланди! Бунинг барчаси мўътабар Адабиёт шарофати, халқимиз ва ҳукуматимиз ҳиммати туфайлидир. Вақт келиб, агар Алишер Навоий ҳовлиси "Унсия" макети "Адиблар хиёбони"га ўрнатилса, тасаввурлар тағин ҳам бойиган бўлур эди.

Бу хурсандчиликлар, албатта, бизнинг зиммамизга, қалам аҳлига катта масъулият юклайди. Лекин бир нарса: адабиётимиз учун бўлаётган ғамхўрликлар қадрига етаётирмизми, деган савол мени қийнайди. Афсуски, халқимиздан катта қарздор эканимизни яхши англаб олганимизча йўқ. Ўқувчиларни мамнун этадиган янгидан янги асарлар ёзиб халқимизга тақдим қилишимиз лозим.

Чўлпонни эслайлик: "Эй қардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдирайлук. "Адабиёт кечалари" ясайлук. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук...", деб ёзади 1914 йилда (санани атай такрор келтираяпман) ўн етти ёшли ёш шоир "Садои Туркистон"даги "Адабиёт надир" мақоласида ва "адабиётдан лаззат олмоқ", "халққа руҳ бермоқ"ка чорлайди бизни.

Адабиёт, миллат учун куйиш-ёнишнинг ҳайратланарли намунасига боқинг! Ўн етти ёшли ёш шоир эмас, балки улуғ адибнинг тутуми бу!

Тўғри, ўқиш керак. Адабиёт (китоб) дунёни тарбия қилади, адабга ўргатади.

"Ҳар синф халқнинг ўзига махсус оҳанги, ўзига таъсир қиладурғон зори бўлур...", дейди яна Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон.

Биз, адиблар, ўша охири йўқ, туби йўқ зорлар қуйчиларимиз. Мана, вазифамиз нимада, мана адабиёт бурчи нимада, эй қардошлар!

Дунё тамаддунида асрлар давомида неча хону хоқонлар қилич билан оламга даҳдаҳа қилмади, жаҳонни забт этмади, дейсиз. Аммо бугун ўша фотиҳлар эмас, дунёни ақл зиёси, ўткир қалами ила забт этган буюк олиму алломалар, шоиру адибларнинг номлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилганининг гувоҳимиз. Бугун глобаллашаётган жаҳонни куч билан эмас, балки билим, маърифат ила лол қолдирмоқ, тан олдирмоқ мумкинлиги ҳаммамизга аён ҳақиқат.

ФАХРУ ИФТИХОР БОҒИ

Мамлакатимизда илм аҳлига, ижодкорларга давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилаётганининг сабабларидан бири шу бўлса, ажаб эмас. Энг муҳими, ҳаммамиз инсоният тараққиётининг негизи илм ва маърифатда эканини яхши билиб турибмиз.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ҳазрат Навоий бобомиз ёдгорлиги атрофида йигирма тўртта атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкали яхлит меъморий ва бадиий композицияда жойлаштирилиб, хиёбон қиёфасининг тубдан ўзгартирилиши ўзбек адабиётига катта эҳтиром ва эътироф рамзи бўлди, десак муболаға қилмаймиз. Эндиликда бу ерга келган ёшларимиз аждодларимизнинг буюк меросини ўрганишлари билан бирга, адабиёт уларни эзгу мақсад сари илҳомлантиришда ўчмас бир маёқ каби йўл кўрсатса, ажаб эмас. Адабиётга меҳр қўйган фарзандлар эса, аввало, мустаҳкам ва мустақил фикрига, энг асосийси, ўз олдига қўйган ёруғ мақсадига эга бўлади. Ўз сўзига, қатъий фикрига эга ёшларни эса ҳеч бир куч танлаган йўлидан қайтаролмайди.

Яқинда ушбу масканда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳарбий бўлинмаси ходимларининг бир гуруҳ Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Жумладан, менга ҳам шу тадбирда иштирок этиш насиб қилди.

Тадбир хиёбон марказида қўр тўкиб турган ҳазрат Навоий пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Сўнгра уюшма аъзолари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжон, ҳассос шоира Зебо Мирзо ва Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими Фароғат Худойқулова буюк адиб ва шоирларимизнинг қизғин ҳаёт йўллари, ўлмас ижоди ҳақида ёшларга гапириб бердилар. Адабиётга ҳавасманд иштирокчилар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

— Хиёбоннинг янада чирой очгани, айниқса, баҳор фаслидаги фусункор гўзаллиги беқиёс, адибларимизнинг маҳобатли ҳайкалларини зиёрат қилар эканмиз, улар ижодини янада чуқурроқ ўрганишга иштиёқ туғилади, — дейди ҳарбий бўлинма ходими Шуҳрат Жабборов. — Қалбларимизни ўзгача шавқ, ғурур эгаллади. Мана шундай улуғ алломалари, адибу ижодкорлари бор юртнинг фарзанди эканимдан яна бир бор фахрландим.

Боғни айланар экансиз, ўзингизни чинакам назм гулшанига киргандек ҳис этасиз. Бу ердан ўрин олган ижодкорлар руҳан тирик, хиёбон узра айланиб, бир "нафис мажлис"лар қуриб ўтиргандек гўё. Боғ марказида ҳазрат Навоий сиймосидаги донолик, олис юртда шоҳ бўлса-да, ватан соғинчида ғадо бўлган Мирзо Бобур нигоҳларида мамнунлик бор. Юрт эрки, миллат зиёси, маърифати учун курашган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Авлонийнинг теран боқишларида чексиз маъно намоён. Буюк Абдулла Ориф, Эркин Воҳиднинг боққа кўрк бериб турган салобати, биз учун қондошу қариндош бўлган Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсуповнинг шонли тимсоллари қанчалар шукуҳли..

Назаримда, бу боғнинг номи нафақат Адиблар хиёбони, бу боғ зиё боғи, фахр боғи, эрк хиёбонидир.

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«ЎЗАДИ ЎЗБЕКНИНГ ОТИ»

Мен бугун Адиблар хиёбонига яқинлашиб, баланд арка тагидан ўтаётиб кўнглимда бир қониқиш, фахр ва табиийки, масъулият ҳиссини туяман...

Президентимиз 2017 йил 3 февраль куни Миллий боғда бир гуруҳ адиблар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган муаммолар билан қизиқди ва шу боғда "Адиблар хиёбони"ни ташкил этиш, Ёзувчилар уюшмаси учун янги, замонавий бино қуриш фикрини ўртага ташлади.

Тез орада 25 йил давомида "ижара"да юрган Ёзувчилар уюшмаси ватанлик бўлди. Муҳташам бинода битта катта ва иккита мўъжаз мажлислар зали, Уюшма маъмурияти, "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти", "Звезда Востока", "Ёшлик" журналлари, "Ижод" жамғармаси фаолият олиб бормоқда. Китоб дўкони ва ошхона ишлаб турибди... Хуллас, Ёзувчилар уюшмаси аввал бўлмаган мавқега кўтарилди, ижодкорлар учун қулай ижодий муҳит яратилди.

Бу хайрли ишларни давлатимиз томонидан адабиётга қанчалик эътибор берилаётгани мисоли, ижодкорларга кўрсатилаётган улкан эҳтиром сифатида қабул қиламиз ва бу бизга катта масъулият юклайди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим масалалар қамраб олинган. Ижодкорларга имтиёзли ипотека асосида юздан ортиқ квартира ажратилиши (айни кунларда квартиралар эгаларига топширилаётир), муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, китоб нашри ва уни тарқатиш, муносиб асарларнинг чет тилларга таржимасини ташкиллаштиришдек бир қанча муҳим масалалар белгиланган. Булар барчаси ижод аҳлига кўтаринки руҳ, ғайрат бағишлагани тайин.

Кўнглимдан кечган ҳис-ҳаяжонларимни, шукрона туйғуларимни "Алпомиш" достонидан таъсирланиб ёзган бир шеърим билан якунламоқчиман.

Ўзбекнинг оти

Алпомишим ростлигини билдирди,
Қоражон ҳам дўстлигини билдирди,
Ишнинг каму кўстлигини билдирди,
Энди ўзади ўзбекнинг оти!

Олимпия ўйинлари дейсизми,
Элнинг тўйи, тўйинлари дейсизми,
Тўлди элнинг кўйинлари, дейсизми,
Энди ўзади ўзбекнинг оти!

Даврага моҳир чавандоз келди,
Яшнатади қақраган элди,
Қақраган элга шифобахш селди,
Энди ўзади ўзбекнинг оти!

Қаҳратон қишдан сўнг кўклам, ёз келди,
Элнинг кўнглидаги жуда соз келди,
Ўзбекнинг бахтига сарафроз келди,
Энди ўзади ўзбекнинг оти!

Баҳром ҒОЙИБ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ФАРҒОНА: ИЛҲОМБАХШ ТАШРИФ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Етмиш уч ёшни қоралаган Биби Ҳожар ая шундай дейди:

– Мен биламан, ғўза орасига нима экишни! Қизил ловия экиш керак!

– Ғовлаб кетмасмикин?

– Йўқ, ғовламайди. Қизил ловия қирқ кунда пишади. Энди қаранг: чигит қадалганида ловияни ҳам қадайсиз. Суғорганда, ўғит солганда, чопиқ қилинганида ловия ҳам баҳра олади. Қирқ кунда ловияни томири билан суғуриб тўплаб олаверасиз, ғўза бўлса, ўсаверади.

Бу, чиндан, жон қуйдириб айтилган гаплар!

– Тадбиркорликда ҳам аҳволимиз шундай, – дейди олтиариқлик тадбиркор Қаҳҳор ака Иброҳимов. – Ҳозир мамлакатимизда кластерлар оммалашмоқда. Бунда фақат ҳосил етиштириш билан чекланиб қолманг, маҳсулот ишлаб чиқаринг, деган чорлов бор. Ёшларимиз тадбиркорлик деганда бир оз маблағ эвазига тўйхона, ошхона, дўкон ёки автохизмат шохобчаси очишни тушунади. Бу ҳам керак, аммо давр талабига мос эмас. Тадбиркорликнинг янги шаклларини ўйлаб топайлик. Ёшларимиз ғайратли, қобилиятли, аммо қобилиятни йўналтиришга келганида иккиланади, чунки қандай амалга оширишни билишмайди. Мана бир мисол: Бир йигитча ўрик данагини чақиб, мағзини қобиғидан ажратадиган ускуна ясабди. Бундай ускунанинг мукаммали аллақачон ишлаб чиқарилган. Аммо гап унинг шу қурилма чизмасини чизиб ясаганида, техник ечимини топганида! Бундай мисоллар кўп. Булар жуда кичик нарсалар, аммо гап изланишда-ку?! Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, замонавий илм-фанни эгаллашга рағбатлантириш ва ўз соҳаси учун зарур мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш бугунги кунда танқислик сезилаётган кадрлар масаласини ҳам ҳал қилиб беради.

Иқтисодиётимизда старт-ап тушунчаси кенг оммалашмоқда. Унинг маъноси – юксалишга, ривожланишга туртки бериш деганидир. Моҳиятга кенгроқ қарасак, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳам чин маънодаги старт-ап ҳисобланади. Қанчалик енгиллик берманг, қанча кўмаклашманг, барибир биринчи галда кишилар давлат кўмагидан фойдаланиб, ўзларининг тадбиркорлик тизимларини яратиши, билими ва тажрибасини ошириб, режаларини ҳаётга жорий этишлари керак. Гап шу тизимни юргизиб юборишда.

Бундай гаплар фақат Фарғонага эмас, балки бутун Ўзбекистонга тааллуқли. "Мамлакат бўйлаб Фарғона тажрибасини жорий қилиш" деган ишонч эса барчага катта масъулият юклайди. Олтиариқдаги узумчилик тажрибаси ўрнак қилиб кўрсатилганида олтиариқликлар қарсак чалиб юборишди. Ҳа, олтиариқликлар азалдан ишнинг кўзини биладиган миришкор халқ.

Давлат раҳбарининг ҳукумат аъзолари, соҳа мутасаддилари билан бирга янги саноат масканларига ташриф буюриши аслида бир ўрнак. Бугунги кунда бошқарувчилар эмас, илҳомлантирувчилар ғолибдир дейдилар. Яъни буларнинг барчаси мамлакатнинг энг катта хазинаси бўлмиш кишилар онг-тафаккури, ақл-заковатини ишга солишга, кишиларни яратувчилик ва бунёдкорликнинг янги қирраларини кашф этишга илҳомлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

– Давлат раҳбарининг "Экокерама" корхонасига ташрифи чоғида айтган сўзлари мени ўйлантириб қўйди, – деди олтиариқлик яна бир тадбиркор Баҳром Обиджонов. – Ҳақиқатан ҳам, шундоққина ёнгинамиздаги катта бойликларнинг қадрига етмаймиз, фойдаланишни билмаймиз. Ваҳоланки, дунёдаги ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат соҳаларидаги самарали янгиликларни ўрганиб, фойдалиларини юртимизга олиб келишни ўйлашимиз лозим.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида Фарғона аҳлига яратиб берилаётган қулайликлар, чунончи, водий бўйлаб мунтазам электр поездлар қатновининг йўлга қўйилиши, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг ривожланиши йўлидаги кенг миқёсли ишлар, туманлардаги бунёдкорлик жараёнлари билан бир қаторда, аҳоли ўртасида камбағалликни бартараф этишнинг ечимларига ҳам эътибор қаратилди.

Аслида камбағаллик – киши ўзининг зарур эҳтиёжларига эришиш учун керакли моддий маблағни топиш имконига эга эмаслигидир. Бундай оила тўлақонли бўлиши учун ҳамма шароит – ақл-заковат, куч ҳам бор, бироқ имкон йўқ! Бир силтаниб оёққа туриб олса бас, қолганини ўзи эплаб кетади. Старт-ап ифодаси шу ўринда ҳам жуда мос келади. Камбағалликни бартараф этиш дастури минглаб оилаларга шундай имконларни тақдим этишни кўзлаб амалга оширилаётган ўта хайрли дастурдир. Хулоса шуки, давлат халқнинг розилиги, турмуш фаровонлиги учун барча ишларни қилишга тайёр, бироқ гап яна одамларнинг ўзида, бундай имкониятлардан оқилона фойдаланишда қолмоқда.

Исажон СУЛТОН,
ёзувчи

БИНАФША ДАЙ ТИТРАЙДИ ЮРАК

Турсун АЛИ

ОНА ТИЛИМ

Жоним риштасига боғланган тилим,
Руҳим осмонида қуёшдир,
Ойдир.
Кўнглим боғларида сайроқ булбулим,
Томиримда қондир – дарёдир, сойдир.

Она тилим,
Жон берган ишқингда Фитрат,
Усмон Носир тўккан юрак қонини.
Қалбимнинг қаридан аримас ҳасрат,
Қодирий бахш этган сенга жонини.

Қадим она тилим,
Жоним риштаси.
Мен ҳам жон чекканман озод йўлингда:
Умрим адо этди сўз фаришталари,
Мен бошимни тикдим сенинг кўнглингга.

Жоним риштасига боғланган тилим,
Юртим осмонида ойдир,
Қуёшдир.
Ҳуррият юртида музаффар элим,
Она тилим билан эгилмас бошдир.

Жоним риштасига боғланган тилим...

БАҲОР

Дўрмон боғларида кезмоқда баҳор –
Ҳилпираган, рангин либос кийган қиз...
Ёмғир оғушида борлиқ беғубор,
Кўнглимда уйғонур ҳаяжон ва ҳис.

Руҳим кенглигида кезади шодлик,
Бинафша шаклида энтикар юрак.
Ҳовлимда шафтоли гуллади-ку илк!
Мовий шаббодага тўқинар кўкрак.

Ариқ нишабида ниш урар ялпиз,
Кўк сомса ҳидига тўлар димоғим.
Чиройга бурканган ҳаттоки қўнғиз,
Нафис хаёлларга чўмади боғим...

Осмонда тасбеҳдек яна турналар,
Сафи бехатоми? Ўйларим нохуш...
Видо туйган дилим оғир тирналар,
Юрак типирчилар, гўё у ҳам қуш.

Кўнглим оламида баҳор ҳавоси,
Гоҳида чаракла руҳимда офтоб.
Гулга чўмган баҳор дардлар давоси,
Кўксимни тўлдиргай ажойиб хитоб!..

Зеро, Ватанимда мангудир Баҳор.

* * *

Саратон.
Жизғанак қумзор оралаб кетдим.
На дарахт,
На жилдираган сув.
Оловдан бошқа сути йўқ Қуёшга тикилдим,
Ёнаётган дарахтдек ловулларди.
Чанқоқ ўртади кўнглимни.
Энтикдим,
Юраётганимдан хурсанд эдим мен.
Қалбимда,
Исмсиз булоқлар,
Бор эди
Оқаётган телба дарёдек.

* * *

Анвар Обиджон вафотига

Куни бўйи тинмади ёмғир,
Осмон кўнглин бўшатди бетин.
Эсиб турди шабада ғир-ғир,
Намчил ҳаво, кўпчиди замин.

Юрагимда оғир хўрсиниш,
Ёмғир қорга айланар секин.
Гарчи баҳор, бошимизда қиш,
Дарахтларга қор қўнар тўзғин.

Улкан дарахт меваси шиғил,
Ағанади узиб илдизин.
Фарёд чекди синиққан кўнгил,
Кўзларимга дард чўкди маҳзун.

Бу ҳавога ўхшамасди у.

* * *

Мен сени йўқотдим, ишончим, дўстим,
Кўксимда борсан-ку, бироқ сен йўқсан.
Энтикиб атрофга қарайман бир зум,
Гўёки отилган, отилган ўқсан.

Бу олам бўм-бўшдир, тўрт тараф яйдоқ,
Ҳувиллоқ кенгликка тикиламан жим.
Ичимда кезинар бетиним, уйғоқ,
Дунёга сиғмаган дилгир Ишончим.

Қайга кетиб қолдинг?

ЁЛҒИЗ КУНЛАР

1

Кун кечмоқда уйда маъюс, шод,
Гоҳи дўстлар дийдорин қўмсаб.
Етаклайди узун хаёлот
Ва маҳзун тор чертади асаб.

Кун кечмоқда уйда – маъюс, шод,
Давраларга кираман жўшқин.
Юрагимда шеър илҳоми қушод,
Руҳим ичра денгиздек тўлқин.

Кун кечмоқда уйда – маъюс, шод,
Қўним билмас хаёл тулпори.
Ҳеч кимсадан сўрамай имдод,
Тарқатаман кўнглим ғуборин.

Уйда қолган ёлғиз кунларим.

2

Осмонларда булут карвони
Дарёдаги кемадек сузар.
Шамол унинг ўжар сарбони,
У гоҳ карвон сафини бузар.

Қайга бошлар, тўзғитар қайга?
Булут эрки шамол қўлида.
Тиз чўктириб осмон пойига,
Етаклайди ўзин йўлида.

Азобларга беролмай бардош,
Лойга ботди булут исмати.
Узун тўкди тўр каби кўзёш,
Бунча аччиқ булут қисмати!..

Ўз-ўзимга бераман савол...

3

Кунларим кечмоқда синиққан, хомуш,
Тумтайган осмон ҳам кўнглимни эзар.
Қулоғимда овозлар учади нохуш,
Руҳим боғларида шамоллар эсар.

Зотан, уйим ватан парчаси эрур,
Кўкармоқда адл дарахтлар дуркун.
Осмонимда қуёш нур сочар масрур,
Беҳуда кўзёш тўкмоқлик нечун?!.

Синиққан юракка бераман таскин!

СЕВГИ ДАРАХТИ

1

Уйқудан уйғондим тонг-ла хушҳол,
Во ажаб, ташқарида
Бир туп олча,
Эгнида оқ кўйлак-келинчак,
Қуёшга бўй берар,
Вужудида оппоқ ҳайқириқ.

2

Ишонаман, оҳ гўзалим,
Эртага,
Баҳордек гул очгай,
Юрагим қаърида тинч ўсаётган
Севги дарахти.

* * *

Рутубат чулғаган хонадан чиқаман ўкириб,
Сочларин шамоллар тўзғитган аёл суратин
Ёнаётган бағримга босиб телбадек.
Эҳ, куйиб кетмаса эди,
Кўксимда юз тубан йиғлаётган Аёл.

* * *

Сўнгсиз осмон узра нигоҳим
Қушлар каби учиб боряпти.
Билмам, ахир недир гуноҳим,
Жисмим бетин ерга ботяпти.
Сўнгсиз осмон узра нигоҳим.

* * *

Мен шеър ёзмоқдаман,
балки хеч ким ўқимас уни,
ҳатто ўқимайсан сен ҳам, севгилим.
Бироқ,
сенга аталгани учун,
мен ўзим ўқийман шеъримни –
титраб, энтикиб!

Юлдуз ЎРМОНОВА

ТОМИРЛАРИМ ГУЛЛАЙДИ

ТУШЛАРИМ

Туш кўрибман, бир ёруғ
Ишоратга йўйдим мен.
Неки бўлса Тангридан
Иноятга йўйдим мен.

Йўл юрибман, олис йўл,
Қўлимда китоб билан.
Кўзимни очар-очмай,
Ҳидоятга йўйдим мен.

Томирларим гуллайди,
Қалб сувидан сипқориб.
Кўксимда ниҳол кўрсам,
Муҳаббатга йўйдим мен.

Кўнглим чўккани сари
Руҳим учар кўкларда.
Парвозларни самовий
Саодатга йўйдим мен.

Гоҳ қулф кўрарман бир,
Занглагану очилган.
Қалб кўзларим очар сир –
Синоатга йўйдим мен.

Ё гоҳ ёниб саросар,
Сахродан сув топарман –
Бир кун муродга элтар
Қаноатга йўйдим мен.

Тунлар Ишқин ўйладим,
Кунлар Ишқин ўйладим.
Ишқсиз кечган онимни
Қиёматга йўйдим мен.

Тафтиш айлаб дил қаърин,
Ҳикмат билдим, не кўрсам.
Эй бор Худоё, барин
Ибодатга йўйдим мен.
Ибодатга йўйдим мен...

СОҒИНЧ

Қулоғимга ўзин осди сирғалар,
Ёмғирларим яноғимда сирғалар.
Кипригимни қайиқ қилиб сузди сўнг
Кўзларимдан кўнглим қадар сир ва дард.

Кетай деса на кетишга имкон бор,
Қолай деса қолишга йўқ ихтиёр.
Еру само аро дилгир юлдузга
Ҳеч келмасми муҳаббатнинг раҳми ё?

Чап кўксимда ишқим уйғотиб ҳар зум,
Муҳаббат оятин айтар муаззин.
Сабр суралари ёғар кафтимга,
Капалакдай жисмимда дардлар азим.

Қулоғимга ўзин осар сирғалар,
Ёмғирларим яноғимда сирғалар.
Кипригимни қайиқ қилиб сузар сўнг
Кўзларимдан кўнглим қадар сир ва дард.

ҲИКОЯ

ҚАРИНДОШЛАР

Ўринбой УСМОН

У ниҳоят қаерда ётганини эслади. Ўша, худди ўша Далварзиндаги чайла. Ана, отаси онасининг қўлидан бешикни олиб, чайлага олиб кирди. Кейинчалик онасидан Исписордаги уйларида кўп нарсалари қолиб кетганини эшитганди: бир арава юк билан йўлга чиққанда отаси ниманидир аравадан туширириб, ўрнига бешикни авайлаб жойлаган экан. Ана шу бешикда ётган эмиш. "Нега мени бешикка беладингиз, кап-катта қизман-ку", дебди у онасига. "Сенга алла айтгим келди, қизим!" Онаси бешик тебратиб, аллалай бошлабди. Ухлаб қолибди. Кўзини очиб, қараса, чайла бўм-бўш. Чопиб ташқарига чиқибди. Узоқда оппоқ кийимдаги одамлар кўзга ташланибди. Бўм-бўш чайлага қайтиб киришга қўрқиб, одамлар томонга югурибди. Энг олдинда келаётган икки одамга етай деганда, қўлларини чўзганча тиззалаб қолибди. Отаси, ундан икки қадам орқада онаси индамай қараб турганмиш. Нарида болаларининг отаси кўринибди. Ундан уч қадам орқароқда ўғли – Муҳаммадшариф. Тўрт қадрдони. Ҳаммаси оппоқ либосда. Эркаклар бошяланг. Онаси оқ дуррасининг икки учидан тишлаб олибди. У ўрнидан туриб, икки қадам ташлаган эдики, ҳаммалари кўздан ғойиб бўлди…

Обида пешона терини артди. Совуқ тер босибди. Қия очиқ қолган эшикка қараб, қийнала-қийнала сўзга лаб жуфтлади:

– Муҳаммадраҳим… Муҳаммад…

Эшик ланг очилиб, қўлида чойнак кўтарган келин кирди.

– Уйғондингизми, онажон? – Келин қайнонасининг бош ирғаганини кўриб, ортига ўгирилди. – Муаллима, кираверинг, онажоним уйғонибдилар.

Эшикдан кирган аёлни кўриб, Обиданинг кўзи қувнади. Лекин дарҳол унинг ўрнини норозилик эгаллади.

– Роҳилахон, ўтиринг, қизим. Шунча йўлдан овора бўп келдингизми? Хайр-хўш қилганингиздан бери бир чойнак чой ичгулик вақт ўтдими-йўқми?

– Аяжон, биласизми, нега уйда ўтира олмадим? Шу… қирқ йил олдинги ўша кунлар эсимга тушаверди. Йиғладим, бир аламдан, бир шукрдан…

Икковлари ҳам жимиб қолишди. Обида она Роҳилахон йиғлаб-йиғлаб айтган гапларни, Роҳилахон эса, тоғаси уйдан ҳайдаб чиқарган кунни эсларди.

Роҳилахон кўз ёшларини яширишга уринди, ортига ўгирилди.

– Йиғламанг, қизим, йиғламанг. Ўшанда, билмадим, негадир юрагим ғаш бўлиб, кўчага чиқдим. Муюлишдан ўтиб қарасам, бир қиз пиқиллаб йиғлаб ўтирибди…

– Ўшанда аламим ошиб-тошиб кетганди. Соколовский деган дўхтир билан хотини мени ўз қизларидай қарши олишди. Оқпошшо биз томонларга сургун қилгани, вокзалдан чиқиб, борар ерини билмай, уч-тўрт кун оч юришгани, шунда дадам раҳматли уларни учратиб, қўярда-қўймай уйига олиб кетганини айтиб беришди. Дадам ўшанда уларнинг қаердан келганини, кимлигини ҳам сўраб ўтирмай, бир ой меҳмон қилибди. Кейин эр-хотинга кичикроқ ҳовли олиб берибди. Соколовскийлар ана шу ҳовлида касалларни қабул қилиб, даволашибди. Эр-хотин менга: «Дадангиз учраб қолмаганда ҳолимиз не кечарди, билмаймиз, у кишининг яхшилигини ўла-ўлгунча унутмаймиз» дейишганди. Ҳа, аяжон, улар ўзбекчани мендан кўра яхши гапирарди. Улар шунча қол, деб қисташсаям, эртасига саҳар туриб, Қўрғонмаҳаллани сўраб-сўраб, топиб бордим. Лекин… Тоғам кимсан демади, «Сени танимайман, бор, келган жойингга жўна, ўз боламга нон топиб беролмаяпману текинтомоққа йўл бўлсин», деб уйидан ҳайдаб солди. Эшикдан чиқаётганимда, шундай деб тўнғиллаганди: «Бир камим қулоқваччани боқиш қолувди!»

– Қулоқвачча… Кимсан, Исписорда зовут қурган Саййидумар қулоқ эканми? Тузини еб – тузлуғига тупурган кўрнамак! Отангизнинг соясида ҳовли олиб, маҳалламизга кўчиб келганини, бошқалар ёвғон ичганда, қўй ёғида палов еганини унутган-да. Майли, ҳар кимсага инсоф берсин. Сиз ўшанда уйимизга киришга рози бўлмадингиз…

– Аяжон, сиз бўлсангиз, қистаб турволдингиз. Иккита ўғлим бор, Аллоҳдан қиз тиловдим, Ўзи етказди деб қўлтиғимдан олиб турғаздингиз. Кўз ёшимни енгингиз билан артиб қўйдингиз.

– Барибир Сизни унатиш қийин бўлди. Поездга чиқиб, нимайди… Истаб… Истаб…

– Ставрополга.

– Ҳа, тилимнинг учида турганди-я. Эсим қурсин. Истабрўлга қайтиб кетаман, деб турволдингиз.

– Сиз майли, эртага ўзим истансага чиқариб қўяман, бугун дам олинг, деб, ахийри кўндиргансиз. Иккаламиз роса дардлашгандик. Мен бизни Ставрополга сургун қилишганида уч ёшда эканимни, укаларим ўша ерда туғилишгани, отаонамнинг бизни боқаман деб қанчалик қийналганини, ҳаммадан ҳам аямнинг уйимизни соғиниб, ўксиб-ўксиб йиғлаганларини айтганимда, сиз жимгина эшитиб ўтириб, юзингиз ивиб кетган.

– Қизим, кўнгилни кўтаришга устасиз-да. Сизнинг қиқоянгизни эшитиб, кўчага бежиз чиқмаганимни, фаришталарга қулоқ тутганимни ва… икковимизнинг тақдиримиз ўхшашлигини ўйлаб, кўз ёшларимни тутиб тура олмагандим.

– Аяжон, эсимда, ўша кеча бор топган-тутганларингни колхозга топширганларинг, фақат деҳқончиликка қўшҳўкизни олиб қолганларингни айтиб бергандингиз.

– Эсингизда экан, қизим. Қўшҳўкизини яширди, колхозга бермади, деб бизни бадарға қилишди. Лекин сизлар каби олис юртларга эмас, Тақачидан нарёққа, чўлга, Далварзинга…

Икков узоқ жим қолишди.

Сукунатни чой янгилаб кирган келин бузди. У чойни қайтариб аввал қайнонасига, сўнг Роҳилахонга узатар экан, Обида она аста сўради:

– Ҳазратали келдими?

– Тунда навбатчи экан. Худога шукр, бувим анча тузалиб қолди, эрта саҳар келаман, деб кетувди.

– Ҳа, тузукман. Лекин… шу кеч навбатчиликка бормаса бўларди-да.

– Аяжон, оёғингизни уқалаб қўяйми? – Роҳилахон ўйга чўмган Обида онанинг оёқ томонига ўтирди.

Роҳилахон аянинг қон югурган чеҳрасига, ўша-ўша шаҳло, бироз киртайган кўзларига қарар экан, тилининг учида турган гапини айтишга қарор қилди:

– Аяжон, мана, ўғлингизникида бир ҳафта турдингиз, эртага Сизни уйимга олиб кетаман.

– Эртага… эртага мен уйимга кетаман. Уйингга бориш қочмас, қизим. Ўзимнинг уйимдек гап, қуёв, отасига раҳмат, ўғлимдек меҳрибон.

Улар узоқ гаплашиб ётишди. Роҳилахон қандай ухлаб қолганини сезмади. Бир маҳал сесканиб уйғониб кетди.

– Роҳилахон, уйғотворсиз-ми? Муҳаммадшарифни чақирсам, эшитмади, – Обида онанинг овози боя гаплашиб ўтирганларидек ўктам эмас, худди олисдан келаётгандек аранг эшитилди. – Уйқуси қаттиқ-да.

– Аяжон, укамни уйғотиб нима қиласиз? Бирон хизмат бўлса, айтинг, ўзим қиламан.

– Йўқ, қизим, ўзига айтадиган гапим бор. Келин уйғотворсин…

Роҳилахон қайтиб кирганда, Обида онанинг устидаги тўшак сирғалиб тушган, тез-тез нафас олар, кўкраги кўтарилиб тушарди. Роҳилахон тўшакни ёпишга тутинди.

– Ёпманг, қизим, терлаб кетяпман. Муҳаммадшариф турдими?

– Онажон, мен келдим, – қўлидаги сочиқ билан юзини артганча кирган Муҳаммадшариф онасининг кўкрагига бош қўйди.

– Ўғлим, бир қултум сув бер.

Роҳилахон пиёлага чой қуйиб узатди. Муҳаммадшариф онасига ичирди.

– Худога шукр. Муҳаммадшариф… – бирданига Обида онанинг тили тутилди. Пешонасини силаётган, қўлларини уқалаётган ўғлига термулар экан, кўзларида хира нур йилтиллади. – Муҳаммадраҳим… Ҳазратали… Мени… Лаиллаҳа иллаллоҳ… Мени… Ла иллаҳа иллаллоҳ… Ҳаммаларингни…

Обида онанинг дуога кўтарилаётган қўллари икки томонига осилиб қолди…

* * *

Ҳазратали машинасини амакисининг дарвозаси олдида тўхтатди-да, шошиб ҳовлига кирди. Тўрдаги уй томон юраётиб, чирок ёниб турганини кўрди. "Шу пайтгача ухлашмабдими? Ишқилиб, бувим…" Ўйи охирига етмасдан ичкаридан амакиси чиқиб уни бағрига босди: "Онамдан ажраб қолдик, жиян!"

Ҳазраталининг оёғи остидаги ер чўкиб кетди. Эшикни очиб, ичкарига отилганида, Роҳилахон аммаси ва кеннойиси ияги танғиб қўйилган, юзидан нур қочмаган бувисининг бошида ўтиришарди. Ҳазратали тиз чўкиб эгилганди, бувиси кўзларини очди.

– Ё, тавба, аям кўзини очди. Ҳазратали, қара, сен билан хайрлашяпти. – Роҳилахон Обида онанинг қовоғини аста силаб, кўзларини юмиб қўйди.

Ҳазратали ич-ичидан йиғлаб бувисининг кўкрагига бош қўйди.

Субҳи содиққача бувисининг бошида ўтириб чиққан Ҳазратали тонг ёришиши биланоқ машина топиб келиш учун кўчага йўл олганда, Муҳаммадшариф йўлини тўсди:

– Жиян, каллаи саҳарлаб қаерга кетяпсан?

– Қаерга бўларди, машина опкелгани, амаки.

– Шошмай тур, аввал бир гаплашиб олайлик.

– Нимани?

Муҳаммадшариф индамай жиянининг тирсагидан ушлаб, аллақачон янги гилам солиниб, кўрпачалар тўшалган, ёстиқлар қўйилган сўри томон бошлади.

– Жиян, ўтир. Ниятингни билиб турибман. Онамни уйингга опкетмоқчисан. Лекин нега мендан бир оғиз сўрамайсан.

– Кечирасиз, амаки, мендан ўтибди, бувимларни олиб кетиб, ўзи яшаган уйдан чиқарсак, бўладими?

– Жиян, агар онам уйида жон берганида, кўмаман десанг бир оғиз сўз демасдим. Барака топ, дердим. Лекин онам менинг уйимда бандаликни бажо келтирди. Энди ўйлаб кўр, майитни тўрт чақирим ерга опкетиб, қийнаш яхшими?

– Амаки, гапингизни тушундим – сиз бувимни ҳовлингиздан чиқармоқчисиз?!

– Ақлингга балли, жиян!

– Раҳмат сизга, амаки! Сиздан Худо рози бўлсин. Лекин мен бувимни уйига опкетмасам бўлмайди.

Улар узоқ тортишишди. Сўрига яқин келиб турган Роҳилахонни сезишмади ҳам. Фақат саҳарлаб Далварзиндан етиб келган Абдужалил тоға салом берганда, жим бўлиб қолишди. Иккови ҳам баравар сўридан тушиб, тоға билан қучоқлашар экан, Муҳаммадшариф дод солди:

– Онажонимдан ажралиб қолдик, тоға!

– Нимааа?

Абдужалил опаси ётган уйга кириб кетди. Уёқдан қўлидаги оқ қийиқча билан кўзёшларини артганча чиқди. Индамай сўри четига ўтирди.

– Ярим тунда туш кўриб уйғониб кетдим. Капа ичида ётган опам мени чақирар эмишлар. Мен югурибман, лекин етиб боролмабман. Уйқум ўчиб кетди. Чап қовоғим тўхтовсиз учаверди. Ҳеч тўхтамайди. Уловим тайёр, йўлга чиқвордим. Далварзиндан Исписоргача бир ярим соатлик йўл… Хўш, энди сизлар айтинглар, ҳали нимага тортишаётгандинглар?

Абдужалил тоға амаки–жиянининг гапларини бўлмасдан эшитди. Узоқ ўйланиб қолди.

– Икковингга ҳам раҳмат, жиянларим! Аллоҳ қалбларингни нурлантирибди. Лекин майитни интиқ қилиш яхшимас. Ҳазратали бобом ва дадамнинг ёнларига бувимга сағана қилиб қўйганмиз, деди. Демак, битта ташвиш йўқ. Лекин ювгувчи ва имом билан гаплашиш керак. Қариндош-уруғ, қўни-қўшнини хабардор қилиш зарур. Энди, ёшимни ҳурмат қилсаларинг, фикримни айтай: опамнинг тақдирида бор экан, ўғлининг уйига келиб жон берибди. Демак, тобут шу ҳовлидан чиқади.

– Тоғабобо!

Ҳазратали тўхтовсиз ҳовлининг у томонидан бу томонига бориб кела бошлади…

Роҳилахон эса, Обида онанинг охирги сўзларини айтсамми, ё айтмасамми, дея ўйланарди. У хато қилиб қўйишдан қўрқди. Ая «мени» деди, икки марта, лекин давомини айта олмади-ку! Олдинроқ икковлари суҳбатлашаётганда, Обида аяси «эртага уйимга кетаман» деганди. Лекин у қайси уйни назарда тутганини ҳануз билмаётган эди...

***Ўринбой УСМОН** – Тожикистоннинг Суғд вилояти Ҳўжанд туманидаги Исписор қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқиган. Адибнинг «Таъқиб», «Алгов-далгов» романлари, «Синчли уй», «Қишдан олдинги фасл» номли ҳикоя ва қиссалари, «Синчли уй», «Дарахтга дўнган одам» каби китоблари нашр этилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида «Спитаменнинг қотили» ва «Санжоб» ҳикоялари босилган.*

МАҲОРАТ МАКТАБИ

От билан сўҳбат



Ургутда адир тепасидаги Наврўз байрами ўтказиладиган яланглиққа чиқадиган тик сўқмоқ ёнбошида бир қабр бор. Андак тўхтаб, унга эътибор беринг. Бу жангчи, қаҳрамон отнинг қабри. У фронтда яраланган эгасини олиб кетаётган санитар вагони орқасидан югуриб, поезд тезлаб кетганда етолмай, йўлда қолиб кетган. Неча ойлаб тоғ-тошлардан, дарёлардан ўтиб, чўлларда саргардон бўлиб, охири Ургутни топиб келган. Бу вафодор от эгасини кўриш илинжида ойлаб Самарқанд вокзалидаги поездларни бошдан-оёқ айланиб чиқади. Ўзига таниш санитар вагонни тополмай, келгуси поездни кутади. Ургут билан Самарқанд оралиғида қатнайвериб, туёқлари емирилиб, юришга имкон бермай қўяди. У охири қадрдон чавандозга илҳақ бўлиб жон беради.

1960 йилда кончилар тўғрисида бирон нима ёзиш ниятида Оҳангаронга бордим. Юз метрча чуқурликдаги шахтага тушганимда ғаройиб воқеага дуч келдим. Бу воқеа мени ҳали-ҳали ларзага солади. Илгари бошимга қора кунлар ёғилганда Жезқозғон мис конлари шахталарида ишлаганман. Ер қаъридаги бунақа ҳаёт менга таниш эди. Боя айтганим — мени ларзага солган нарса — кўмир конида 17 йилдан бери ёруғлик кўрмай, тоза ҳаводан нафас олмай яшаётган от эди.

Бу от қирқ биринчи йили фронтга жўнатилади, икки йил жанг қилади. Яраланган отлар қатори «брак» қилиниб, кўмир конлари бошқармаси ихтиёрига юборилади. Шу тариқа у фронтдош дўстлари билан Оҳангаронга келиб қолади. Ўша пайтларда электр қувватининг етишмаслиги туфайли техникани ишлатиб бўлмасди. Электр қуввати фақат шахта ичини ёритиш ва ҳавони тозаловчи вентиляторни айлантиришга зўрға етарди. Отлар ер тагига туширилди. Кўмир ортилган вагончаларни тортиш шулар зиммасига тушди. Яраси битиб, асил ҳолига келган от исён кўтариб, юк тортмай қўйди. Шунда ер устидан бир яҳудий мол дўхтири тушиб, уни ахта қилиб қўйди. Ана шундан кейин у ювош тортиб, итоатли бўлиб қолди. Кўп отлар ҳаво етишмаслигидан, оғир меҳнатдан бирин-кетин ўла бошладилар. Юқори қувватли электр линиялари тортиб келтирилгандан кейин отлар керак бўлмай қолди. Улар ишдан озод қилиниб, ер бетига чиқазилди. Аммо, ёруғликка чиққач, қорачиқлари кенгайиб кетгандан кучли ёруғликка чидамай, ҳаммаси кўр бўлиб, бадбўй ифлос ҳавога ўрганган ўпкалари тоза ҳавога дош беролмай қолди. Шахтада қолган уч-тўрт от ҳам ўлиб кетди. Фақат шу биргина от ҳамон ер қаърида яшаяпти.

Бошимдаги каска чироғини отга тушираман. У жимгина тураверади. У ахта қилинганидан буён ана шунақа бефарқ, лоқайд бўлиб қолган экан.

Менга ҳамроҳ бўлган кон муҳандисига қарайман.

— Буни нима қилмоқчисизлар? Юқорига чиқазилса, кўр бўлиб, ўлиб кетади. Бечора шу ерда яшайверадими?

— Бошқа илож йўқ. Худо қанча умр берган бўлса, шу ерда поёнига етказади.

Ўз ўлимини сокин, итоат билан, исёнсиз кутаётган бахтсиз жониворга қараб юракларим зиркираб кетди. Қанчалар раҳмсиз бўлиб кетганмиз-а, дейман ўзимга ўзим. Динга қарши тинимсиз ташвиқотлар ўз ишини қилмаётганмикин? Дилимиздан имон кўтарилмаётганмикин? Наҳотки, Худони унутаёздик? Йўқса, бу шафқатсизлик бизга қайдан илашади?

Қамоқ лагерларида умрини ўтказаётган махбуслар уйини, бола-чақаларини соғиниб мушук бокишарди. Ўзлари тўймаган овқатдан юлиб мушукларга беришарди. Лагер сиёсий раҳбари шу мушукларни қопга солиб, олов гуруллаб ёнаётган новвойхона печига ташлаганини кўрганман. У алангада жизғанак бўлиб ёнаётган мушукларни завқ билан томоша қилганди. Бу шафқатсиз одам ибодат қилаётган насронийларни, намоз ўқиётган мусулмонларни аямасдан калтакларди. Бу хил шафқатсизликлар ўшанақа имонсизлардан ўтмаганмикан?

Шундай изтиробли хаёллар билан отдан узоқлашдим.

Тоғ эмаклаб, тоғ букилиб, вагончаларга, электр симларга тегиб кетишдан қўркиб, минг бир хавотир билан шахта йўлларини айланиб чиқдим. Тепамда ким билсин, неча миллион тоннали ер қатлами. У тинимсиз қисирлайди. Ҳар бири уйдек-уйдек келадиган кўмир харсангларининг дарзидан қурум тўкилади. Вагончаларнинг тарака-туруқ товушлари, тепадан ёмғирдек қуйилаётган сувларнинг шовқини, сув тортаётган насосларнинг тинимсиз гувиллаши, пармаларнинг пулемёт товушини эслатувчи овози, улар кўчирган кўмир харсангларининг пастга қарсиллаб тушишидан ҳосил бўлган момақалдироқдек ваҳимали товуш мени довдиратиб қўйди, қулоқларим битиб, чиқиш жойига келдим. Ҳамроҳим юқорига чиқиб кетган экан. Лифтчи чол аҳволимни кўриб, темир курсини мен томон суриб қўйди.

— Бирпас дам олинг. Анча уриниб қопсиз. Шахтага биринчи тушган одам шунақа эсанкираб қолади.

Ўтирдим. Икки кўзим отда. Унинг бадани ҳаракатсиз эди. Ер бетидаги отлар танасига қўнган пашшаларни думи билан ҳайдайди. Думи етмаган жойларига қўнганларини терисини дириллатиб учириб юборади. Бу жойда на пашша, на чивин бор. У отнинг ўзи эмас, гўё ҳайкали эди.

От ҳам ўйлармикан, дейман ўзимга ўзим. Кўрган кунларини эслармикин? Толстой ҳам, Айтматов ҳам от ўйлаш, эслаш қобилиятига эга жонивор, деган. Шундай бўлса, бу от ҳам болалигини эслай олади. Шаталоқ отиб яйраган яшил яйловини, онасининг тўлиб, тирсиллаб турган елинини боши билан туртиб-туртиб ийдирганларини, илиқ, хушбўй она сутини мириқиб эмганларини эслаётгандир. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаб, ёмғир қуйганда онасининг иссиқ пинжига суқилганларини хаёлидан ўтказаётгандир. Авжи ғунон бўлган пайтида рақибларини доғда қолдириб, кўнгли хушлаган сулув бияни эргаштириб, уюр орасидан ғолибона олиб ўтган пайтларини наҳотки эсламаса!

От хўрсинса, кўзидан ёш оқса, бир фалокат юз беради, эгаси ўлади, дейишади. Хўрсинган отни, албатта, сўйиб юборишади.

1952 йили шу отнинг кўзидан мўлт-мўлт ёш оққанди. Ним қоронғи шахтада буни ҳеч ким сезмаганди.

Ўша йили олис Жезқозғон конида мис харсангларини кўчирадиган маҳбуслар орасида бир маҳбус, собиқ қаҳрамон, отлиқ аскар Эрмат чавандоз оламдан ўтди. Мис тўзонлари унинг ўпкасини чиритган эди. Эрмат чавандоз умрини ватан хоини деган «унвон» билан якунлади.

От ўз чавандозининг оламдан ўтганини сездимикин? Унинг хўрсиниши, кўзида мўлтираган ёш, балки шундандир? У жонворлик ҳиссиёти билан фожиани олисдан туриб сезган бўлиши мумкин.

Бу руҳий ҳолат, бу эрк соғинчи менга таниш.

Йигит ёшим барқ урган, уйланиб, ҳаёт нашъасини сураётган, ёниб ижод қилаётган пайтимда мени зиндонга ташладилар. Ёруғ тушмайдиган, ташқаридан тиқ этган товуш келмайдиган якка зимистон хонада (одиночкада) ётганимда худди шу отга ўхшаб кўрган-кечирганларимни эслаб ўтирардим. Қизиқ, негадир фақат баҳор пайтларини эслардим. Ўрик гуллаган, шаббода шафтоли гулларини тўзғитарди. Мажнунтолларнинг узун яшил сочлари янги уйғонган майсаларнинг бошларини силарди. Жаннатга бермагулик ўзбек боғларида баҳор бир неча ҳафталик меҳмон эди.

Йигитлик ҳам ана шундай меҳмон. Шу ғанимат, кейин ҳеч қачон қайтиб келмас дамларни қоронғи зиндонда ўтказиш нақадар аянчли, нақадар армонли…

Шу топда, ер тагида от ўйлаяпти, мен ўйлаяпман.

От яшил яйловларни кўряпти. Она бағрида яйраганларини эслаяпти. Мен биринчи китобим чиққан, қувончим оламга сиғмас бахтиёр дамларни кўз юмиб хотирамда жонлантиряпман.

Беихтиёр отга қарайман. У ҳамон бош экканча лоқайд турарди.

— Э, биродар, не гуноҳинг бор эдики, сени шу алпозга солишди?

От тилга киргандек бўлди:

— Менда қандай гуноҳ бўлсин. Бир безабон жониворман. Одамларнинг юкини енгил қилдим, узоғини яқин қилдим. Ўзимни инсоннинг дўсти дегандим… Ҳайронман. Олис юртларда жангларга кирдим. Одамлар менга ўқ уздилар. Яраланиб, узоқ юртлардан ватан деб билган манзилга етиб келдим. Мана, кўриб турибсан, ўша соғиниб келган ватанда офтоб кўрмай турибман…

— Биламан, биламан, жонивор. Халқлар отаси ҳўлу қуруқни баробар ёндирган эди. Сендан бирон зурриёт қолмадими? — деб сўрайман ундан. У бош чайқайди.

— Мени бундай бахтдан мосуво қилганлар.

Кўксимда бир дунё ғам билан ер бетига чиқиб кетдим.

Осмон кўм-кўк, укпардек оппоқ булутлар беозор сузади.

От пастда, куёшсиз, ойсиз, юлдузсиз маконда мунг тўла кўзларини юмганича қора тақдирини поёнига етказиш учун зимистонда қолди. Ўттиз етти йилдирки, уни эслайман. Баъзан у тушларимга киради. Бирон ерда от кўрсам шу ғариб, бахти чопмаган жонивор эсимга келади. Шундай пайтларда доҳий «падари бузрукворимиз»га қарата: «Зулмингни, жабрингни тортмаган ким қолди? Одамларга қилган зулминг каммиди, жониворларни ҳам бахти қора қилдинг-ку!» деган бир нидо ич-ичимдан отилиб чиқади.

Ўтган йили водийга машинада кетаётганимда ёмғир қуйиб юборди. Олмалиқ йўлидан Оҳангарон томон бурилишда ҳассага таянган бир кекса одам ёмғирда ивиб, ўтган-кетган машиналарга қўл кўтариб, олиб кетишларидан умид қилиб турарди. Унинг ёнгинасига келиб, машинани тўхтатдим. У эшикни очиб, Ангренгача олиб кетишимни сўради. Олиб кетдим. У менга икки-уч марта қараб олгач:

— Сизни танийман, биродар, — деди. — Эсингизда борми, ўттиз етти йил олдин сизни шахтага олиб тушгандим.

Тасодифни қаранг, шунча йилдан бери хаёлимни банд қилган одамни топдим. Ундан шошиб сўрадим. «Эсингиздами, ху, шахтадаги от? У нима бўлди?» дедим. У ички бир изтироб билан, паст овозда: «Ўлди», деди.

— Сиз келиб кетганингиздан бирон йил ўтиб, жонивор қазо қилди. Жасадини Жигаристондаги фронтчи дўстлари дафн қилинган жойга кўмдик. Жуда баҳаво жой. Баланд адир пойида. Кон ветеранлари маслаҳатлашиб, шу отларга ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлдик. Бироқ ўзингиз биласиз, Жигаристон воқеасини бутун дунё билиб кетди. Бемаҳал келган ёмғир селга айланиб қўприкларни бузди. Дарахтларни қўпорди. Адирнинг таги нам тортиб, сурила бошлади. Охири ўпирилиб, одамларнинг уйларини босди. Эҳ-ҳе, қанча одам тупроқ тагида қолди. Ўшанда отларнинг мозори ҳам тупроқ тагида қолиб кетди.

Бу гапдан инграб юбордим.

Тақдирни қаранг, бу бахти қора отнинг ўн етти йил ер тагида яшагани, ер тагида жон бергани камлик қилгандек, қабри ҳам ер тагида қолиб кетибди. Ўзи айтгандек, «ватанини топибди».

Ҳамроҳимни Ангренда қолдириб, тоғ томон кетдим. Ёмғир тинган, лекин тоғ бошида булутлар ғужғон ўйнарди.

Довонга кўтариламан. Ёнбағирларда уюр-уюр йилқилар ўтлаб юришибди. Улар орасида мен билган отнинг зурриёти йўқ. У дунёдан ном-нишонсиз кетган…

«От қишнаган оқшом» қиссасининг сўнгги сатрларини ёддан ўқийман: «Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Ука деса дегулик мендайин уканг бор… Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик…»

Бу сўзлар инсоннинг энг яқин дўсти, вафоли жўраси — от шаънига айтилган мадҳу таронадир.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ШЕЪРЛАРИДА ЯШАЁТГАН ШОИР

Ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли шоир Султон Жўра 1910 йили Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Қоғолтом қишлоғида дунёга келган. Шафқатсиз тақдир болани ота-онадан эрта айирди: ўн ёшида етим қолди. У Бухорога – опасиникига йўл олади. Бу ерда дастлаб етти йиллик мактабда, кейинчалик Бухоро педагогика билим юртида таҳсил олади. Шу йиллардан бошлаб Султон Жўра адабиётга кириб келади.

1933 йили Султон Андижонга кўчиб ўтади, шу шаҳардаги педагогика институтида дарс беради ҳамда институт тарих-педагогика факультетининг кечки курсларида таҳсил олади. Ўқишни якунлаб, институтда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради.

Султон Жўра болаларни яхши кўрар, уларнинг нозик оламини теран тушунарди. Шу боис уларга бағишлаб "Кимнинг хати чиройли", "Тиниш белгилари мажлиси", "Ойна нечта?", "Ёлғончи", "Ҳарфлар паради" сингари кўплаб шеърлар битган. С.Жўранинг болаларга атаб ёзилган "Мовий гилам", "Эчки ва қўй ҳақида эртак", "Қалдирғоч" каби ажойиб эртаклари ҳам бор. Бундан ташқари, "Бруно" ва "Карим ва Қундуз" номли достонлар ёзган.

Шоирнинг "Фидокор" (1939), "Москва" (1941) каби тўпламлари фақат китобхонлар орасида эътибор топибгина қолмай, танқидчи ва адабиётшунослар томонидан ҳам юқори баҳоланган. Султон Жўра 1939 йили педагогик ва адабий фаолияти учун собиқ СССР пойтахти Москвада "Ҳурмат белгиси" ордени билан тақдирланади. Ушбу маросимда Михаил Шолохов, Александр Фадеев, Янка Купала, Петрусь Бровка, Сергей Михалков, Валентин Катаев, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва ўша даврнинг бошқа таниқли ёзувчи ва шоирлари ҳам иштирок этишади.

Албатта, Султон Жўра фронтга бормаса ҳам бўларди – унинг брони бор эди, аммо урушнинг иккинчи куниёқ ҳарбий комиссариатга мурожаат қилиб, фронтга юборишларини сўрайди, лекин рад жавобини олади. Еттинчи бор қилган мурожаатидан сўнгтина, 1942 йил февраль ойида Султон ўз хоҳиши билан фронтга кетади. Шоир Қизил байроқ орденли 2-гвардия дивизия пулемётчиси бўлиб, Белоруссия фронтида хизмат қилган ва ўша йилларда ҳарбий газеталарда шеърлари кўп чоп этилган. Бир қўлида қалам, бир қўлида қурол ушлаган жасоратли шоирнинг ижоди уруш йилларида янги босқичга кўтарилди. У ўзининг "Пулемётчи овози", "Тўпчи Муҳаммад", "Найзамиз", "Чавандоз" каби шеърларида ватанпарварлик ғояларини баралла қуйлади, унинг "Ирода" драмаси ҳам уруш мавзусида.

1943 йил 14 ноябрь куни Белоруссиянинг Гомель области Лоев райони Борщчовка қишлоғи озод этилишида шоир оғир ярадор бўлади. Уни қутқаришга шифокорлар ожизлик қилади. У шу қишлоққа дафн этилди, кейинроқ хоки Козероги қишлоғидаги қабристонга кўчирилади.

Султон Жўра қисқа – 33 йил умр кўрганига қарамай ёркин ҳаёт кечирди, ўзидан салмоқли ижодий мерос, истеъдодли шогирдлар ва солих фарзандлар қолдирди. Унинг асарлари ўзбек адабиёти сайланмаларидан жой олди.

Атоқли адиб Омон Мухтор ўзининг "Йиллар шамоли" китобини шоирнинг садоқатли аёли Моҳира Жўраевага бағишлаган. Бу аёл мактабда рус тилидан дарс берган, кейинчалик меҳрибонлик уйи директори бўлган. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро вилоятининг Қоғолтом қишлоғидаги эски мактаб ўрнида янги мактаб биноси қад ростлади ва шоир номи билан аталди. Белоруссиянинг Козероги қишлоғида ҳам С.Жўра номига ёдгорлик ўрнатилган эди. Шу қишлоқдаги мактаб ҳамда кўчага шоир номи берилди.

Таҳририятдан: Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида, яъни шу йил 9 майда Беларусь Республикаси Гомель области Лоев райони Козероги қишлоғида оташин ўзбек шоири Султон Жўра номи билан аталган кўчада шоир ва қаҳрамон шарафига хотира лавҳи таъмирдан сўнг қайта очилди. Бу ўзбек жангчи шоири хотирасига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиромдир.

Раҳматулла БАРАКАЕВ,
филология фанлари номзоди

ЎЗИГА ХОС ҲАЁТ РОМАНИДЕК

Шоир Норқобил Жалилга хат

Норқобилбой иним, келинг гапни ўзимдан бошласам. Ишонинг-ишонманг, акангиз умрида на бундай тайинтутуриқли ёднома ёзган, на кундалик тутган. Худо ёлғончи қилмасин, яқин арафада кўҳна ёзувларни саралаётганимда мактаб даврига оид кундалик-симон дафтарлар ҳам чиқди. "Эрталаб турдим. Ҳаво мусаффо. Осмонда бирорта булут йўқ. Мактабга бордим. Бир кунда бешта "беш" олдим. Дарсдан келиб, ҳовуздан сув ташидим. Кейин ўтириб "Пўлат қандай тобланди"ни ўқидим. Кечаси соат 11 ларда уйқуга ётдим" сингари ўша замон удумида битилган жўн гап-сўзлар ҳаммаси.

Қаламкаш учун зарурдан-зарур қайдлару хотиранависликка ҳафсала қилмаганим танбаллик ва инжиқликлардан, албатта. Адабий машғулотдаги аламли пушаймонларимдан бири ҳам шу. "Кўнгилдан кўчирмалар"ингизни ўқиб сизга ҳавасим келгани шундан.

Қизиқ китоб экан: парча-пурча, узуқ-юлуқ, паришон-пароканда хотиралар, суҳбату мақолалардан иборат. Лекин одам қўлдан қўйгиси келмайди. Худдики бир яхлит асар, ўзига хос ҳаёт романидек. Яшанг! Китобга мазмундор сўзбоши ёзган Хуршид Дўстмуҳаммад тўғри айтибди, бизда бу тур ёдномалар бармоқ билан санарли, бори ҳам мутлако "бехато ва тўппа-тўғри". Сипороқ халқмиз-да, ёзганда китоб билан кўнгилнинг ўртасида парда тутмасдан қўймаймиз. Сизда ана шу "парда" кўринмайди, кўнгилдаги яхши-ёмони қоғозга кўчган-қўйган. Шунга кўрамикан, бизнингча, китобни бошқача номлаб бўлмайди: кўнгилдан кўчирмалар. Шундай кўнгилданки, унда бегона гард-ғубор йўқ, ғирромлигу қитмирлик йўқ, ҳатто боя айтганимиз китобнависликда қўлланадиган адабий сипогарчиликлар ҳам йўқ. Менимча, китобни яхлитлаштириб турган жиҳат ҳам шу. Балли! Шундай қилса ҳам бўлар экан-ку! Бизнинг баъзи ёзмишларимиз жонли воқеликдангина туғиладиган табиий дардлару изтироблардан, ҳаёт сувидан накадар йироқ!

Тўғриси, тўплам нима асосда тартиб берилганини ҳамон англаб етганим йўқ. Узинди бир қайд ёки хотира, кейин суҳбат, мақола, яна ёдномадан бўлаклар... Тепасидаги саналарни айтмаганда, бари аралаш-қуралаш. Ё бу китобнинг жозибаси шундамикан? Ахир, одам кечаги кунларини хотирлаганда ҳаммаси бир бошдан, маълум тартиб билан хаёлида жонланмайди-ку, тўғрими?

Ҳозир бу гапларга ишониш қийиндир, қирқ-эллик йиллар бурун фотоанжомини елкалаб олган суратчи қишлоқма-қишлоқ "эсдалик" ишқибозларини овлаб юрарди. Бугун эски альбомлардаги бизнинг болалик ана шундай тасодифлар туфайлигина сақланиб қолган. Суратчини кўрган она кўча чангитиб юрган ўғлини чақиради: "Ке, болам, мен билан бир расмга туш!" Бола эса уялганидан қочиб кетади. Она қўшни болани ёнига олиб суратга тушишга мажбур бўлади. Бугун онаизордан қолган ягона сурат шу. Она ва қўшни бола. Сен ўшанда нега қочиб кетдинг, Норқобил?

Китобда бу каби ҳазин, армонли саҳифалар кам эмас, ўқиган одам билади.

Бу китобни олис жойларда туғилиб, қишлоқ турмушининг машаққатларини бошдан кечирган, кўнглидаги шеърми, ҳавасми сабаб, пойтахтга талпиниб, пойтахт элига қўшилгунча яна бир дунё синову уқубатларни кўрган бутун бошли бир авлоднинг таржимаи ҳоли деб билдим мен. Бунда йўллар – тақдирлар кўп (қисқа-қисқа бўлса-да), йўлдошлар – дўстлар, даврдошу даврадошлар кўп, шугина умрда кечган йўқотишу мусибатлар ҳам кам эмас. Аммо шуларнинг барчасига сабот-ла дош бериб келаётган жўмард, деҳқонфеъл, ҳалол ва ҳақпараст қиёфа баралла қад кериб турибди! Бор бўлинг, Норқобилбой! Шу йўлдан тўхтаманг! "Эҳ-ҳе, қанча унутилмас хотиралар, сабоқ бўлгулик воқеалар турибди ҳали..."

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СИНОВЛИ КУНЛАР САБОҚЛАРИ

Кино санъати турлари орасида воқеликни асл ҳолича тасмага муҳрлаб, уни келажак авлодга етказишда ҳужжатли кинонинг ўрни алоҳида. Айнан ҳужжатли кино туфайли ўтмишни ҳеч бир ортиқча бўёқсиз кўришимиз, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Киноҳужжатчиларимизнинг зийрак нигоҳидан ҳеч бир воқеа-ҳодиса эътибордан четда қолмайди. Айниқса, ҳозирги кунда, нафақат республикамиз, балки дунёда рўй бераётган жараёнлар ҳужжатли кинонинг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда.

Халқимиз учун синовли ва масъулиятли кунлар давом этаётган бир пайтда олдинги сафда фақат ўз соҳасининг фидойиларини кўриш мумкин. Пандемия, асосан, шифокор ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкилот ходимлари зиммасига инсон саломатлигини хавф-хатардан асраш, ҳаётини сақлаб қолишдек шарафли вазифани юклади. Ўзбекистон ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодкорларидан Баҳодир Одилов бошчилигидаги ижодий гуруҳ (режиссёр Дониёр Шокиров) пандемия ҳаммани уйда қолишга ундаётган бир пайтда "COVID-19. Синовли кунлар" деб номланган ҳужжатли фильм устида иш бошлади. Фильм мамлакатда коронавирусга қарши кураш бўйича республика махсус комиссияси ҳамкорлигида яратиляпти. Ҳужжатли асосга қурилган мазкур фильмни тасвирга олиш ишлари республикамизда карантин эълон қилинган кундан бошланиб, шу кунга қадар давом этаяпти. Шаҳарнинг бўм-бўш, ҳувиллаган кўчалари, карантиннинг дастлабки кунларида одамлар орасида юзага келган саросима туфайли расталари бўшаб қолган дўконлар, касаллик билан олишаётган шифокорларнинг тезкор ҳаракатлари, туну кун тиним билмай кўчаларда тик оёқда хавфсизликни сақлашга интилаётган Ички ишлар, Миллий гвардия ва ДАН ходимларининг карантин талабларини сақлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари киноҳужжатчиларимизнинг мисқоллаб йиғаётган тасвирларидан ўрин олган. Бемор билан дастлаб "тез ёрдам" шифокори тўқнаш келади. Уни касалхонага олиб бориб, то касаллик аниқлангунга қадар "тез ёрдам" шифокори унинг ёнида бўлади. Шунга қарамай шифокорлар бир зум тиним билмай ишлаётганини ҳамиша ҳам эсламаймиз. Лекин киноҳужжатчиларимиз уларнинг меҳнатларини зийрак нигоҳидан четда қолдирмади. "Тасвирга олиш жараёнида карантин одамларни бир мақсад сари бирлаштирганининг гувохи бўлдик", дейди фильм режиссёри.

Пандемия туфайли қурилиши бошланган янги касалхона биноларида ишчиларнинг кечаю кундуз тиним билмай уйи, оиласидан йироқда яшаб ишлаётгани ҳам халқ саломатлигини ҳимоя қилиш йўлидаги фидойилик намунасидир. Бу фильмдаги таъсирли эпизодлардан бирига айланган. Меҳр-шафқат халқимизга хос фазилат. Тан олиш керак, карантин ҳолати ҳамма учун том маънода синов бўлмоқда. Шундай пайтда халқнинг бирлашгани, кўнгилли, жонкуярларнинг кўпайгани тахсинга сазовор. Карантин эълон қилинган кунлари талаба ёшларнинг, шаҳарга иш билан келганларнинг уйига қайтишида тирбандлик юзага келди. Ҳукуматимиз томонидан тез орада бу муаммонинг ечими топилиб, қўшимча автобуслар қўйилишига қарамай, йўловчиларни ўз ҳисобидан Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятларига йўловчи ташиш ташаббуси билан чиққан автоулов эгаларини эсга олайлик. Call-марказлар, тезкорлик билан тузилган "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоатчилик фонди фаолияти билан кифояланмай, Ҳаж сафарига бориш учун тўплаган маблағини, яна бир ватандошимиз уйини сотиб пулини кам таъминланган оилаларга бергани, ёш болаларини ташлаб, ҳатто дўконга ҳам чиқолмай қолган оналарга маҳсулот етказиб берган саховатпеша инсонларнинг моддий кўмагини унутиб бўладими! Буларнинг бари киноҳужжатчиларимиз яратаётган фильмдан ўрин олмоқда. Ўша кунлари касаллар учун қон керак бўлиб қолганида шаҳарнинг чекка ҳудудларидан одамлар пиёда келиб, қон бериш учун навбат кутгани кишини бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Фильмда юзига ниқоб таққан кишиларнинг кўзларида чуқур маъно, амалга оширилаётган ишларга хайрихоҳликни кўрамиз, бу нигоҳлардан қалбда кечаётган самимий муносабатларни уқиш мумкин. Буларнинг бари яратилаётган ҳужжатли фильмда ўз аксини топмоқда. Бу фильмни яқинда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини муваффақиятли битирган режиссёр Дониёр Шокиров, операторлар Саиддалилхон Саидтурғунхонов, Давлат Ўрозалиев каби ёш ижодкорлар яратмоқда.

Фильмни суратга олиш ва монтаж ишлари ҳали тугагани йўқ. Бу иш якуни республикада карантиннинг тугаши билан боғлиқ. Кўпгина машаққатларни жасорат билан енгган матонатли халқимиз бу курашдан ҳам ғалаба билан чиқиши тайин. Киноижодкорларимиз ҳам фильмни халқимизнинг ғалабаси сифатида намойиш этишни ният қилганлар.

"Зулмат ортидаги нур" ҳужжатли фильми шундай ҳаракатларнинг натижаси сифатида юзага келди. Асар ҳужжатли асосга қурилганига қарамай, унда бадиий постановкалардан ҳам фойдаланилган. Айнан шу постановкаларнинг томошабинларга воқеликни янада таъсирли етказишда аҳамияти катта. Фильм бир қарашда оддий кўринса-да, ўзида катта мазмун-моҳиятни акс эттиради. Зотан, касаллик ва унинг оқибатлари ҳақида гапиргандан кўра, тасвирий ифода воситалари орқали намойиш этишнинг таъсири бўлакча.

Карантин даври инсон учун бир зум тин олиш, атрофига теранроқ назар ташлаш, оила даврасида кўпроқ бўлиш, фарзандларимизга кўпроқ вақт ажратиб, яқинларимизга эътиборлироқ бўлиш, китоб ўқиш, бир-биримиздан телефон орқали хабар олиш имконини берди.

Ҳадемай бу кунлар ортда қолиб, тарих саҳифасидан жой олади. Лекин халқимизнинг кўринмас ёвни енгиш учун бирлашгани, саховати, меҳр-муруввати, матонатини акс эттирувчи фильмлар келажак авлодга мерос бўлиб қолади.

Феруза ФАЙЗИЕВА,
киношунос

Инсоннинг умр йўллари бирда замин узра дарахт шохлари каби ҳар томонга тарвақайлаган, бирда эса сув излаб тупроқ қаърига интилган илдизлар каби бир-бирига чирмашиб кетган сўқмоқли довонлардан иборат. Бунда эзгу мақсад ва собитлик нурафшон манзил сари чорлайди.

УМР ДОВОНЛАРИ

"Манзил сўнгидаман, синов довонларидан ўтдим", деб ўйлайдиганларнинг аксари аслида ҳали-ҳануз ўша довонларда адашиб юрган бўлади. Бизнинг асл қиёфамиз эса довон сўнгтида намоён бўлади. "Келишу кетилиш"дан кўзда тутилган маъно — "Мен"нинг моҳиятида.

Ўша "Мен"нинг андишасини сухбатдошим – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Раҳим Искандар, элга Фолькин тахаллуси билан танилган ёзувчи, публицистнинг юзидаги ажинлардан, сўзлари, овоз оҳангидан излайман.

Саккиз ёшида икки сингил ва олти ойлик укаси билан отадан етим қолган болакайнинг елкасига рўзғор ташвишлари тушган. Йўқчилик, қаҳатчилик йилларида бир бурда нонни оқлаб ейиш учун тонг отарда кетиб, шомда даладан ҳориб қайтган, онасига суянчиқ бўлган Раҳим уйда ҳам ака, ҳам ота эди. Кўпроқ ўқиб, яхши одам бўлиш кераклигини англаган ўша кезлари тунлари уйқудан қолиб, чироқ ёруғида китоб варақлаган.

Қирқ беш йил мобайнида матбуотга бағишланган ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гапиришга ижодкорнинг ўзи тортинади. Мен ундан нима учун "Фолькин" деган тахаллус танлаганини суриштираман. Раҳим Искандарнинг айтишича, талабалик йиллари унинг фольклор, яъни халқ оғзаки ижодига ишқи тушиб қолади ва ўзига "Фолькин" деган тахаллусни танлайди. Адибнинг асарларини ўқир экансиз, қай бир жиҳати билан сизни ўйга толдирса, билингки, бу жиҳатлар унинг умр руҳиятидаги оғриқ сўқмоқларида кўрган-кечирган жараёнлар билан боғлиқ. Раҳим Искандарнинг ушбу сўқмоқларда англаганларию дили тубидаги энг нозик сирлари турли нашриётларда чоп этилган ўнлаб китобларида акс этган. Бинобарин, унинг "Қора олма", "Соғинч", "Армон", "Ойгул момонинг чўпчаклари" қиссаларида, номларидан ҳам англашилиб турганидек, улкан армон ва соғинчлар мужассам.

Ижодкор ўзи ҳақида гапиришни хуш кўрмайди; китоби, асарлари ҳақида бўлса, бу – бошқа масала. Адиб ҳақидаги энг маъқул гапни китоблари айтади. Зеро, асарларига берилган баҳо – ижодкорга берилган энг муносиб баҳодир.

Раҳим Искандар фақат бир гапни фахрланиб айтади. У шу қутлуғ 70 ёшда ҳам Шеробод шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказида ёш авлодга адабиёт, санъат, мухтасар айтганда, нафосат сирларидан сабоқ бериб келаётир.

Эркин НОРСАФАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

ТИЛ АДАБИЁТ БИЛАН БАРҲАЁТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Орадан икки йил ўтиб Мустақиллик бўлди. Мен ҳар вақт мустабид тузум даврида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиш ҳодисасини юртимизга баҳор кунларининг даракчиси — қалдирғочларнинг учиб келишига ўхшатаман. Ўзбек тили тўғрисида қабул қилинган Қонун – бу истиқлолнинг даракчи қалдирғочи эди. Ҳуррият, мустақиллик бўлди, орзулар ушалди. Мустақил Ўзбекистон бош Қомусининг 4-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – ўзбек тилидир", деб битилди. Орадан йиллар ўтди. Гарчанд ўзбек тилига доир расмий ҳужжатлар гул-гулистон бўлса ҳам, амалда анча нарсалар зимистон экани аниқ бўлиб қолди...

Бугун шароит ўзгарди. Ўзбек тили мартабаси учун, қонуний ҳақ-ҳуқуқи учун чинакам куйиниш палласи бошланди. Тилдаги муаммоларни қуруқ гапириб ўтишдан кўра, амалий ечимлар таклиф этилмоқда.

* * *

Миллий тил миллий адабиёт билан барҳаёт, деган фикрни кўп ўйлаб юраман. Дунё маънавияти, маърифати, илм-фани ва адабиёти тарихида бадиий асарлар миллий тилларнинг бунёд бўлиши, қайта тирилиши, яшаб қолиши ва кенг кўламда фойдаланиши учун восита бўлганига мисоллар кўп. А.Данте "Илоҳий комедия"си билан итальян тилини улуғлади, уни мустақил адабий тил мақомига кўтарди. XVI асрда французлар ўз она тилини итальян тили асоратидан қутқариш учун курашди. Дунё адабиёти хазинаси француз тилида ёзилган романлар билан бойиди. Руслар орасида французча гапириш оммалашди. Шундан кейин М.Ломоносов, айниқса, А.Пушкин ва ундан кейинги атоқли адибларнинг бадиий асарлари эвазига рус тили бошқа тиллар қутқусидан қутулди ва дунёга чиқди. Аслида ҳар бир миллий тилнинг ифода имкониятлари бадиий адабиётда акс этади. Ўзбек тили ва адабиёти тарихида миллий адабиётнинг ўзаро уйғунлиги кузатилади: Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур ва уларга уйқаш "Девони луғатит-турк", "Қутадғу билиг", "Девони ҳикмат", "Ҳамса", "Ҳазойин ул-маоний", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Бобурнома"... Айниқса, филология тарихида ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам амалий, ҳам назарий хизматлари беқиёс. Ўзбекона бадиий сўз айтиш имкониятининг чўққиси бўлган аллома шоирга бошқалар ҳавас қилди, эргашди, уни ўзларига устоз санади. Бадиий асарлар ўзбек тилининг луғат бойлиги эвазига майдонга келди.

Айнан ўзбек тили тарихидаги алоҳида босқич сифатидаги яна бир давр – бу XX аср бошлари ижтимоий муҳити — жадидларнинг маданият, маърифат, тил ва адабиёт бобидаги тарихий хизматлари ва ҳаракатлари. Жадидлар миллий тил учун туб сўз ва атамалар, ифода имкониятларини излашди. Хусусан, "Чиғатой гурунги" аъзолари зиммасига шундай махсус вазифа юклатилди. Улар иложи борича ўз асарларида, матбуотда ўзбекча сўзлар қўллашга ҳаракат қилишди. Омма тушуниши қийин бўлган арабча ё форсча сўзлар ёки бошқа тиллардан кириб келган сўзлар учун мукобил-ўриндош таклиф этишди. Маҳмудхўжа Беҳбудий "лоторея ўйини"ни "ёнасиб ўйини" деб атаган экан. "Бошқарма", "атама", "билдириш" ўша давр "гурунг"идан чиқиб оммалашди.

Миллий тилнинг гўзаллиги, фасоҳати ва балоғати истеъдодли адибларнинг миллий тафаккури маҳсулида – санъат асарларида намоён бўлади. Умри узоқ бадиий асар ижодкорнинг беназир поэтик тафаккуридан дарак беради. Бадиий тафаккур эса сўз ва ички нутқ ҳодисаси билан боғлиқ, албатта. Ҳар бир миллат адиби ўз миллий тилида фикр юритади, шу миллий тилнинг луғат бойлигига таяниб ижод қилади. Эътибор берилса, Абдулла Қодирий айрим қаҳрамонларига, дейлик "Меҳробдан чаён" романидаги Худоёрхон образига ҳам айнан тилга эътибор масаласида миллий ҳис-туйғуларни сингдиради: "Худоёр муҳр босиш асносида ёзилган ёрлиғ ва номаларни ўқутиб эшитар, муншиларнинг эшитилмаган араб ва форс сўзлари орқалиқ тўқуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: "Эналарингғ арапқа текканма?" деб мирзо, муфтиларни койир эди. Аммо Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини мусиқий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва "шу бала бариларингдан ҳам ўқуғанрақ чиқар!" деб, бошқа мирзоларнинг юрагига ўт ёқар эди".



Худоёрхоннинг "туркий жумлалар"га алоҳида қарагани, Анварнинг иншосини мақтагани – бу ёзувчининг юрагидан чиққан муҳим гап. Яна бир зарур гап шуки, адиб айни эпизоддаги Худоёрхон нутқи баҳонасида худди зукко тилшунос каби роман ҳошиясида махсус изоҳ ёзади: "Худоёр қипчоқлар ичида ўскани учун тили ўзбекчадир. Эналарингг сўзидаги "нг" ҳарфини "нғ" равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги фарғона ўзбекларида ҳам (айниқса, қишлоқиларда) юмшоқ "нг" ўрнида қалин "нғ" ишлатиш кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинган ҳарфимизда бу қалин "нг"нинг махсус шакли йўқдир. Ёзғанда (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам, бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз махражидан чиқаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин "нг" ўзбекча бир неча сўздагина ишлатилмай кўб (эллилаб) сўзда истеъмол қилинғани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир. Масалан, машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, қаланғи-қасанғи, данғ, тўнғуз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинғ бошқалар... Эски "нинг" "нг" равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон "нғ" ҳам "ғ" ҳарфининг устига уч нукта қўюлиб ёзилсамикин..."

Янгиланаётган адабий тил борасида баҳслар, турлича қарашлар айтилаётган бир муҳитда адибнинг миллий тил тақдири устида бундай қуюнишлари чинакам фидойи зиёлига хос фазилат, албатта. Адиб яна айтадики: "Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар". Бугунги замонда дунёнинг тўрт тарафидан ёғилиб келаётган бегона сўзларни, ҳатто ўзбек тилида муқобили бўла туриб, ҳеч уялмай, ўйламай қўллаётганлар ўз фаҳмсизликлари ва олифтагарчиликлари, лоқайдлик ва ялқовликларини миллий тилнинг луғат бойлиги устига тўнкамаганлари маъқул.

Аслида зиёли инсон ўзининг ёзма ва оғзаки нутқи билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Ёзма нутқ хуснихатдангина иборат эмас. Ёзма нутқнинг асосий белгиларидан бири – бу саводхонлик. Бисотида барчага бирдек тушунарли сўзлари бўла туриб, англаниши оғир ажнабий ёки шева сўзларини ишлатиш ҳар қандай иншо ифодасига зерикарли тус беради. Фикр ифодаси қисқалик – ийжоз ва чуқур мантиққа асосланиши лозим. Ҳар ким гапириш ҳуқуқига эга, бироқ унда маъно, фикр, мазмун бўлмаса, бундай нутқ "вайсамоқ" феълига мос тушади. Соғломлик фақат тана сифати эмас, у маънавият ва маданиятга ҳам, айни дамда, нутққа ҳам тегишли.

* * *

Хориж тилларини яхши билган одам ўз она тилининг қадрини билади, ифода имкониятларини қиёслаб, чамалаб кўради. Тилнинг луғат бойлиги, ийжоз мақоми, балоғат ва фасоҳат каби қирраларини солиштиради. Мисол учун бир қиёс. Ўзбек тилидаги "тўй" сўзи кўпмаъноли. Ҳам от, ҳам феъл сўз туркуми таркибида келади. Ўзбекона тўйлар изоҳи катта бир рисола бўлади. Тўйда одамлар дийдорлашади. Дийдорга тўяди. Карнай-сурнай, мусиқа – одамлар ўйин тушиб хумордан чиқишади. Олмон тилида "тўй" "ҳоҳцайт" сўзи билан берилади. Бу яхлит — бир бутун сўз эмас. Иккита сўздан қўшиб ясалган; таржимаси "юксак вақт" демакдир. Олмон тилида биздаги каби кўпмаъноли ва бир бутун "тўй" йўқ... Бисотимизда "тўй" каби кенг қўлланилаётган ва қўлланиш фурсатини кутиб мудраб ётган кўпмаъноли сўзлар қанча?! Фақат уларни топиш, уйқудан уйғотиш ва "фуқаролик ҳуқуқи"ни тиклаш лозим.

Шу маънода қадим туркий сўзларни тирилтириш, шевалардаги ораста сўзларни ўзбек адабий тилига олиб кириш, турли луғатлар тузиш каби қатор илмий-амалий изланишлар бугун долзарб саналади. Маънавият қайғусида, Чўлпон айтмоқчи, халқ ичига кириб бормоқ керак. "Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Қучоқ очиб халқ ичига борайлик". Яқинда бир шева тилидан "қўзиқорин"нинг "қўмалак" (қўмилган нарса маъносини англатади), ёш болалар юришига мўлжаллаб ясалган мосламанинг "адоғарава" (оёқ аравача) эканини билиб қувондим. Ўзимча баъзан "учак (уйнинг тепаси, устки, учли қисми), "отоқи" (хашар-кўмакда лой отадиган киши), "борлама қилиш" ("йуклама қилиш" сўз бирикмасининг муқобили), "борловчи" (текширувчи, "комиссия" маъносида), "бирлама" (ғўзани ягана қилиш), "чакар" (қудуқдан сув тортиб оладиган челак-мослама), "қалқи" (қармоқнинг сув юзидаги попуги. Бу енгил буюм сув юзида қалқиб тургани учун ҳам "қалқи" деб аталади), "кучала тош" (батарея), "қўнимдор" (прописка) ва шу каби ўнлаб сўзлар бугунги ўзбек адабий тилида фаол қўлланиши мумкин бўлса керак, деб ўйлайман.

Тирик сўзлар одамлар орасида яшаб юрибди. Сўзларнинг иззатини жойига қўйиб, китобларга киритиш керак. Улар ўқилмаса, ўқилмаса, атама ёки ном бўлмаса – умуман улардан кундалик ҳаётда фаол фойдаланилмаса, барчаси унутилади, ўлик сўзга айланади. Ижодкорнинг вазифаси шу сўзларни тирилтириш; маъно ифодаси учун марварид сўзлар шодасини тизиш.

Кўча-кўйларда ёзилган билдиришлар, пешлавҳалар ёки тарғибот шиорларининг ёзувлари шу кунгача тинимсиз айтилади, танқид қилинади. Амалда-чи? Бу ҳар кимга, ҳар бир одамнинг миллий ғурурига боғлиқ. Ҳар ким ўзига боқсин. Ҳар ким ўз ёзувидаги товушнинг энг митти унсуригача диққат қаратсин. Бугунги ижтимоий тармоқлардаги ёзувлар имлосини бир кузатинг. Энг катта адиб, адабиётшунос, тилшунос ёки филолог олим деганлари техник имконият баҳонасида кирилл алифбосида ёзганларида "ў, қ, ғ, ҳ" ҳарфларининг белгиларини қўймасдан, сунъий бурама, ажнабий бир оҳангда ёзишади. Лотин имлосида ёзаётган ёшлар "sh" ҳарфи ўрнига алифбо таркибида умуман мавжуд бўлмаган "w" ҳарфини қўллашади. Буни нома деб қандай аташ мумкин? Бефаҳмликми, эътиборсизликми, маданиятсизликми, лоқайдликми? Билмадим! Ўз она тилига эътиборсиз одам шу салбий сифатларнинг барига улгуржи муносибдир.

* * *

Тил миллат тарихи учун бамисоли хотира қомуси, тил миллатнинг бугуни учун бамисоли покиза ойина-кўзгу; тилда миллат шаъни, руҳияти акс этади. Тил – миллий руҳнинг жони ва қони, султони ва ҳоқонидир. Машҳур ёзувчилардан бири: "Ўз тилини яхши билмайдиган, севиб-ардоқламайдиган, уни ҳимоя қилмайдиган халқнинг шоириман, деб кўкрак кериштдан ор қилади киши", деб айтган экан. Она тил билан орият ёнма-ён турган бу гапни нафақат шоир ёки адиблар, балки ҳар бир одам ўзига қарата айтиб кўриши лозим.

Баҳодир КАРИМ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори,
филология фанлари доктори

Ашурали БОЙМУРОД

ОҲАНҒЛАРДАН ТОПАМАН НАЖОТ

Янги Ўзбекистон

Фикрлар янгидир, қарашлар янги,
Ақлни чархлайди тафаккур жанги,
Юракка кўчгандир қуёшнинг ранги,
Агар кўрай десанг нурли осмонни,
Юракдан ҳис этгил Ўзбекистонни.

Зукколик, изланиш бизга одатдир,
Китобга ошнолик зўр саодатдир,
Боболарнинг руҳи сенга мададдир,
Бахтли қилмоқ учун ҳазрат инсонни,
Юрагингга жойла Ўзбекистонни.

Товонга кирса ҳам чақиртиканак,
Шу азиз Ватан деб тик турмоқ керак,
Юз карра оғирдир танангдан юрак,
Ёритмоқ истасанг бир шабистонни,
Шуъларларга чулға Ўзбекистонни.

Бонг урар адолат, бонг урар ҳақлик,
Йўлингдан адашма, тургин бир ёқлик,
Ҳаваслар уйғотгин, ошсин сайёҳлик,
Маҳкам тут битта йўл, битта маконни,
Кўксингда юксалтир Ўзбекистонни.

Ҳар ерда ташаббус, гўзал анъана,
Боқий қадриятлар қилар тантана,
Бугунги кунидан бахтиёр она,
Агар ёзмоқ бўлсанг янги достонни,
Кўксингда юксалтир Ўзбекистонни!

* * *

Асрлар дардини куйлайди мақом,
Мозийнинг андуҳин айлар муножот.
Тингласам, вужудга қуйилар илҳом,
Тингласам, куйидан топаман нажот.

Асрлар ҳасрати — "Шашмақом", "Чоргоҳ",
Азалий ғуссани туйдим дилимда.
Боболар ҳолидан бўлгали огоҳ,
Сафарларга чиқдим қадим-қадимга.

* * *

Куртак отаётир Замин ниҳоли,
Ойнинг бешигида уйғонди тонг ҳам.
Кўрганим нақадар гўзал, сафоли,
Янгидан туғилар ишқ отлиғ бир ғам...

Ҳислар туғёнидан вужудим сархуш,
Уялиб қарайман ҳатто офтобга.
Юрагим тубидан қичқирар ҳаққуш,
Ёзганим сиғмайди битта китобга...

Ҳамдардлик

Менинг азобимдир дўстим андуҳи,
Бошига тушибди бугун бир кулфат.
Тўлиб-тошиб кетди ғамнинг сандиғи.
Дардимдан ортиқроқ топмадим улфат.

Танаси бошқалар сезишмас буни,
Фақат дўст сўзлайди жонин ачитиб.
Эй дўст, ҳаётингнинг энг оғир куни,
Кўмак беролмадим сенга ёлчитиб...

Нодонман, дардингни сезиб, сезмадим,
Унутиб қўйгандинг танҳо ўзингни.
Нечун оромимни бироз бузмадим,
Ахтариб юрибман энди изингни.

Афсус-надоматдан титрайди танам,
Биз бирга ўсгандик кўрмай кам-кўстни.
Ҳувиллар юрагим, бўм-бўшдир хонам,
Йўқотиб қўйгандай энг яқин дўстни.

Эй дўст, сенсиз қолиб бўзлайди кўнглим,
Не ҳожат юрмоқлик чора ахтариб.
Энди қўрқитолмас келса ҳам ўлим,
Мен умри хатога тўла бир ғариб.

Тўфонга дуч келиб қолганман гўё,
Кимсасиз оролда қолгандек ёлғиз.
Фақат етишмайди ёруғлик, зиё,
Қоронғу бекатда турибман ҳолсиз...

Гулламоққа ошиқма, баҳор

Бевақт гулламоқнинг хазони бордир,
Шамоли, чанг-ғубор, тўзони бордир,
Сабринг синамоққа юз они бордир,
Суйгани бир лаҳза, ёлғони бисёр
Бевақт гулламоққа ошиқма, баҳор!

Кўзингни алдайди қуёш жилваси,
Ширин туйғуларнинг нози, ишваси,
Турфадир сўзлари, турфа шеваси,
Ширин каломига учмагин зинҳор,
Бевақт гулламоққа ошиқма, баҳор!

Яқинроқ келгандек, ҳатто ой тунда,
Баҳордек кўрингай қирлар ойдинда,
Балоғат палласи ҳали олдинда,
Ногоҳ уйғонишдан дил топар озор,
Бевақт гулламоққа ошиқма, баҳор!

Қиличин қайрайди совуқ, изғирин,
Гулларга нафрати ичда яширин,
Маҳкам бўл, беҳуда очма дил сирин,
Сенингдек бўлолмас севимли, дилдор,
Бевақт гулламоққа ошиқма, баҳор!

Бевафо дастидан куйган бу бағир,
Бевақт гулламоқнинг дарди ҳам оғир...

Қуёшнинг топгани

Ғуссадан туғилгай юракдаги дард,
Кўрмадим оламда, йўқ экан бедард.

Вужудим қақшайди, руҳимда тоқат,
Ширин оғриқлардан топгандай роҳат.

Ғуссанинг ичинда кўнгил яширин,
Ғуссадан излагин сен унинг сирин.

Қуёшнинг топгани қора тер экан,
Оқшомнинг ғамини ўзи ер экан.

Сўнг дунё бир завқдан яшнаб кетади,
Юракка яна дард ташлаб кетади.

Шодликни унутиб ғамга тўлганмиз,
Қайғуни ҳис этиб одам бўлганмиз.

Катта синов

Бир келса, келаркан қўша-қўша дард,
Туриб бергувчиси Инсон деган мард,
Кулфатда, Оллоҳим, ўзингсан ҳамдард,
Синдириб боряпмиз тўсиқни, ғовни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Тағин ҳам метиндир инсон бардоши,
Сел бўлиб қуйилар гоҳо кўзёши,
Умидга етаклар тонгнинг қуёши,
Энг аввал қувиб сол дилдаги ёвни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Дунёни титратди аср вабоси,
Шу дарддан ўзгармиш олам ҳавоси,
Инсоний меҳрдир унинг давоси,
Вирус ҳам чекинар, тўхтатар овни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Бугун жангчи деймиз шифокор зотин,
Жанггоҳга ташлади илму ҳаётин,
Мен унда кўряпман яшаш нажотин,
Олқишланг, азизлар, юраги довни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Ҳеч ким қутмаганди, ўзи ҳам билмас,
Бир дардки, аслида бесабаб келмас,
Энди ҳушёрликни йўқотсак бўлмас,
Беҳуда айбламанг, дўстлар, бировни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Юракда увуллар шамол, бўронлар,
Сел бўлиб оқаркан гоҳо тўфонлар,
Юртини асрайди кўкси қалқонлар,
Қўлингдан туширма, дўстим, жиловни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

Юртбошинг ёнингда (хавф-хатар йўқдир),
Бало-офатларни енгиб ўтгувчи,
Мусаффо тонг яқин, кўнгил ҳам тўқдир,
Янги кун бизлардан олсин чорловни,
Биз, албат, енгамиз бундай синовни.

ИМОМ БУХОРИЙ ЖАМЛАГАН ИЛМ

Имом Бухорий яшаган даврда илм-маърифат юксалиб, олимлар, фозиллар, таниқли тарихчилар ва шоирлар етишиб чиқаётганди. Лекин жамиятда бир иллат илдиз отаётгандики, уни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун ўта билимдон тарихчи, зукко олим, маърифатли инсон керак эди. Замон ва келажак имом Бухорийга муҳтож эди. У ўзининг заковати, ҳалоллиги ва илми туфайли ана шу юксак вазифани шараф билан уддалади.

Ҳижрий учинчи асрдаги бу иллат шундан иборат эдики, Расululлоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида асоссиз фикрлар юзага кела бошлаганди. У зотнинг муборак турмуш тарзлари, гўзал ахлоқлари, Ислом динини юзага келтириш ва шакллантиришдаги буюк хизматлари тўғрисида нотўғри талқинлар, ишончсиз ҳадислар пайдо бўлди. Бундай иллат Ислом дини равнақи учун ўта хавфли эди. Шу туфайли Расululлоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига қолдирган буюк маънавий меросини асраб-авайлаш ўша даврнинг энг долзарб муаммосига айланди.

Имом Бухорий бу муаммони ўз вақтида пайқади ва фитналар илдизини қуритишга киришди. Ёш олим Расululлоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ёд олиш билан бирга уларнинг мазмун-моҳиятини, Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитган кишини, тингланган вақтини ҳам аниқлашга муяссар бўлди. Бу вазифа кишидан жуда катта меҳнат ва илм талаб қиларди. Имом Бухорий эшитган ҳадислари ичидан фақат энг ишончлиларини қоғозга туширар, агар бирор ҳадисга нисбатан қалбида заррача шубҳа уйғонса, дарҳол ундан воз кечарди. Бу шарафли вазифани бажариш учун туну кун йўл юришдан чарчамади. Саудия Арабистони ва Ироқ мамлакатларидаги чекка қишлоқларгача борди. Сурия, Миср ва Арабистон ярим оролларини икки маротаба кезиб чиқди. Айнан шу мақсадда олти йил Ҳижоз (Саудия Арабистони)да истиқомат қилди. Куфа, Бағдод ва Басра шаҳларига такрор-такрор келиб кетарди. Бу ҳақидаги тарихий манбалардан бирида бундай дейилади: "Бухорий барча диёрлардаги муҳаддислар ҳузурига сафар қилди. У ўз рисолаларини Хуросонда, Жиболда, Ироқ шаҳарларининг барчасида, Ҳижозда, Шомда, Мисрда ёзди".

У қаерда бўлмасин, ғайрат ва шижоат билан ижод қилди. Маккаи мукаррамада яшаган пайтлари кўплаб китоблар ёзди. Машҳур асари "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ"га асос солди. Сергайрат ижодлари хусусида у кишининг ўзи бундай баён қилади: "Ўн саккизга кирганимда "Қазоёс-саҳобати ваттобеъин" китобини тасниф қилдим. Кейин "Ат-тарих ал-кабийр"ни ёздим. Бу, Мадинаи Мунавварада Набий алайҳиссаломнинг муборак қабрлари ёнида, ойдин тунларда бўлди".



Имом Бухорийнинг ёзган ҳар бир асари ўша давр олимлари, тарихчилари, ҳатто ҳукмдорлари томонидан жуда катта мамнуният ва қизиқиш билан қабул қилинарди. Чунки тасниф этилган ҳар бир китоб жуда катта илм-маърифат манбаси ва тенгсиз маърифий бойлик эди.

Тарихий ёзувларда таъкидланишича, машҳур олим Исҳоқ ибн Роҳавайҳ имом Бухорий ёзган "Тарих" номли китобни олиб, ўша даврнинг нуфузли олимларидан бири, айни пайтда Хуросон амири лавозимида турган Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг ҳузурига боради ва унга қараб: "Эй Амир! Сенга сеҳрни кўрсатайми?" – деди. Амир унинг гапларидан ажабланди. Ибн Роҳавайҳ мамнуният билан имом Бухорий янги тасниф этган китобни унга узатди. Абдуллоҳ ибн Тоҳир китобни диққат билан варақларкан: "Унинг қандай ёзилганига ақлим етмади", деди.

Имом Бухорийнинг шарафи юксалган сайин, уни ғийбат қилувчилар, ёзган асарларига ҳасад кўзи билан қаровчилар пайдо бўла бошлади. Аллома бундай ғаламисларга ўз илми, юксак ақл-заковати билан жавоб қайтарарди.

Самарқандда турганларида ана шундай имтиҳонлардан бири бўлиб ўтди. Ҳадис эшитувчилардан тўрт юз нафари етти кун давомида муҳаддислар султонини адаштиришга ҳаракат қилишди. Шом исноди Ироқ иснодига ва аксинча, Ироқ исноди Шом иснодига киритишди, Ҳарам иснодини Яман иснодига, айни дамда Яман иснодини Ҳарам иснодига киритдилар. Улар қанчалик уринишмасин, устозни исодда ҳам, матнда ҳам бирор лабзга адаштиришолмади.

Худди шундай имтиҳон Бағдодда ҳам бўлиб ўтди. Имом Бухорийнинг бу ерга келганини эшитган муҳаддислар тўпланишиб юзта ҳадисни танлаб олдилар. Улардан бирининг матнини бошқа исодга, бошқасининг исодини матнига алмаштириб қўйишди. Сўнгра ўн нафар кишининг ҳар бирига ўша чалкаштирилган ҳадисларни ўнтадан бўлиб беришди.

Йиғиннинг вақти-соати тайин қилинди. Ушбу мажлисга Хуросон ва бошқа юртлардан ҳам муҳаддислар таклиф қилинди. Даврадагиларнинг мақсади аниқ эди. Имом Бухорий келгач, ҳалиги вазифа олганлар навбати билан ҳадисларни айта бошлашди. Имом Бухорий хотиржамлик билан: "Буни билмайман", деб жавоб қайтарди. Кейинги ҳадис ҳақида сўралганида яна шу жавобни олишди. Шу тариқа алмаштирилган ҳадисларнинг ҳаммаси сўраб бўлинди. Жавоб эса бир хилда эди. Бу ҳолатдан таажжубланган кишилар устозни ожизлик ва илмсизликда айблай бошлашди.

Саволлар тугагач, имом Бухорий ҳадис айтган кишининг биринчисига юзланиб, дастлабки айтган ҳадиснинг тўғриси бундай, иккинчисининг жавоби эса мана бундай, дея айтилган юзта ҳадиснинг ҳаммасини матни ва иснодини жой-жойига қўйиб тўғрилаб чиқди. Бирор сўзга адашмади. Ушбу мажлисда ҳозир бўлганлар имом Бухорийнинг илми ва фазилатига яна бир бор тан беришди.

Абу Ҳомид Аъмаший бундай ёзади: "Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийни Абу Усмон Саъйид ибн Марвоннинг жанозасида кўрдим. Муҳаммад ибн Яҳё ундан исмлар, кунялар ва ҳадиснинг иллатлари ҳақида сўрарди. Муҳаммад ибн Исмоил ҳар бир саволга ўқдек тез, "қул ҳуваллоҳу аҳад"ни ўқигандек жавоб қайтарарди".

Имом Бухорий бундай юксак фазилатга ва тенгсиз илмга Аллоҳ таолонинг марҳамати ва Расululлоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг беғубор муҳаббатлари туфайли эришди. Бу ҳақида имом Бухорийнинг ўзларидан нақл қилинган бир ривоятда бундай дейилади: "Набий саллоллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Мен ул зотнинг олдиларида туриб, қўлимдаги елпиғич билан елпимоқдаман. Баъзи таъбирчиларга тушимни айтсам, сен ул зотдан ёлғонларни четлатар экансан, дейишди. Мана шу нарса "Саҳиҳ"ни чиқаришимга туртки бўлди".

Муҳаммад Исмоил Бухорий ҳазратлари келажак авлодга ўзларидан жуда катта бойлик бўлган илмий-маънавий мерос қолдирди. Булар "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ", "Ал-адаб ал-муфрад", "Ат-тарих ал-кабийр", "Китоб уз-зуафо", "Китобус-сунан фил фиқҳ", "Ал-асмаа ва куний", "Биррул волидайни", "Ал-жомеъ ал-кабийр", "Ал-муснад ал-кабийр" ва бошқа ўнлаб мукаммал асарлардир.

Ушбу бебаҳо бойликни ўқиб ўрганиш, улар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш, халқимиз орасидан яна кўплаб забардаст ҳадисшунос олимларнинг етишиб чиқишига елкадош бўлиш бугунги авлод зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуслари билан ташкил этилган имом Бухорий номидаги Ҳадис мактабининг асосий вазифаси ҳам шундан иборат.

Шодиёр МУТАҲАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси мустақил тадқиқотчиси

«TEATR» 2020 йил, 2-сон

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Журнал ушбу сонни профессор Азамат Ҳайдаровнинг "Маданият — маънавият комиллик пойдевори" мақоласи билан очган. Унда юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар хусусида фикр юритилади.

"Санъатга айланган умр" мақоласи муаллифи санъатшунослик фанлари номзоди Омонулла Ризаев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Маҳкам Исроиловнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилади. Юздан зиёд шогирд етиштирган, тўқсон ёшни қоралаган М.Исроилов "Қарилик гаштини бизлардан сўранг" дея ҳануз ижод билан банд, дейди муаллиф. Яқинда инглиз ёзувчиси Вильям Шекспирнинг "Қирол Лир" спектакли Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилди. Театр бадиий раҳбари Бахтиёр Раҳимов ушбу асарнинг саҳна талқини ва томошабинларнинг асарга муносабати хусусидаги ўз қарашларини баён этган.

Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова бугунги кунда кексалик гаштини суриш билан бирга ўзбек санъатининг равнақи йўлида ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишдан толиққани йўқ, дейди "Мен улардан миннатдорман" мақоласи муаллифи М.Якубжонова. Тўти Юсупова ижоди ҳақида эл ардоғидаги санъаткорлар Турғун Азизов ва Эркин Комилов ҳам ўз дил сўзларини ўқувчилар билан баҳам кўрган.

"Эртакчи бобо"га берилган мукофот" мақоласи муаллифи З.Тулепова Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театрининг бош режиссёри Мурат Бегимовнинг серкирра ижоди хусусида сўз юритади.

Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри Аҳқар Холмўминов Назар Эшонқул асари асосида "Жалолиддин Мангуберди" спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Театршунос Фарҳод Файзиев спектакл ғояси, актёрлар жамоаси, томошабинлар муносабати хусусида фикр юритган.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Фарҳод Алимов ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтўраева ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. "Замон билан ҳамқадам ижодкор" мақоласида санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Қодирова таниқли драматург Эркин Ҳушвақт яратган асарлар ҳақида, шунингдек, Жасур Очилов "Овоз режиссёрининг ўрни" мақоласида бу соҳа вакилларининг машаққатли ва шарафли меҳнати ҳақида сўз юритган.

Ҳ.ҲАЙИТОВ, ўқитувчи

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

ТАДБИР

Қарийб тўрт ойдан буён республикамизнинг барча ҳудудларида карантин давом этмоқда. Бу барча соҳалар ривожига озми-кўпми ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, оромгоҳлар тизимига ҳам. Фарзандларимиз мактаб даврининг қизғин палласини ийда қолиб ўтказишди. Масофавий таълим тизими асосида ўқув мавсумини якунлашга тўғри келди. Аммо бу ёз мавсумида фарзандларимиз тоғли ҳудудларда соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқара олишмайди дегани эмас. Карантиннинг барча талабларига амал қилган ҳолда, ўғил-қизларимиз оромгоҳларда дам олишлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилди. Бу даврда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг юмушлари икки карра ортиши табиий ҳол. Оромгоҳ маъмурияти ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан бирга болаларнинг яхши дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Шу билан бир қаторда, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш даврида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Оромгоҳлар ҳудудидаги биноларнинг ёғоч қисмларини махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фарзандларимизнинг ёзги дам олиш кунлари сермазмун ўтиши, турли ноҳуш ҳолатларга йўл қўймаслик нафақат соҳа ходимларининг, балки барча ҳамюртларимизнинг ҳам бош мақсадига айланиши лозим.

Н.ЭРМЕКОВ, А.МОМИНЖОНОВ, М.МАҲМАНАЗАРОВ,
Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 мартдаги ПҚ-4640-сонли қарорига асосан "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти "Ўзбекистон нашриёти" давлат корхонасига қўшилиши муносабати билан ўз фаолияти тўхтатилишини маълум қилади.

Шу муносабат билан "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётининг манфаатдор кредитор корхона ва ташкилотларнинг мурожаатлари икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда: "Ўзбекистон нашриёти" давлат корхонаси (ҳуқуқий ворис) томонидан қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел. 71 244-34-38

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5195. Буюртма Г - 655.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.50.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-6345

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*